

34

P29

341:33(07)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Муаттара Раҳимова

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ

(ўқув қўлланма)

0512502

TATU KUTUBXONASI
366523 -SONLI



«Akademiya»

Тошкент 2006

344/075)

М.Рахимова. **Халқаро иқтисодий ҳуқуқ.** Тошкент, Akademiya. 2006 й.

Ушбу китоб халқаро иқтисодий ҳуқуқ фани бўйича ўқув қўлланма сифатида тавсия этилмоқда. Унда халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши, унинг асосий тушунча ва тамойиллари, институт ҳамда соҳаларининг тараққиёт қонунлари ўз аксини топган.

Дарслик дипломатик кадрларни тайёрлаш, шунингдек, олий ўқув юртларида халқаро ҳуқуқ ва халқаро алоқалар йўналиши мутахассислари учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Дарслик Академия тингловчилари, аспирантлари, докторантлари, ўқитувчилари ва халқаро муносабатлар соҳасига ихтисослашган бошқа идора ва ташкилот ходимлари ҳамда халқаро иқтисодий ҳуқуқ муаммолари билан қизиқувчи барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Таҳрир ҳайъати

Назаров Қ.Н., Иргашев Ф.Р., Холбеков А., Пахрутдинов Ш.И.,
Абулқосимов Ҳ.П., Аҳмедов О.М., Раҳимова Д.Н., Умарова Н.Т.,
Умаров Б.З., Ҳасанов Р.Р.

1. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Давлатлар ўртасида иқтисодий муносабатлар, аввало, савдо муносабатларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш қадим даврлардан, халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъектлари — давлатлар ва уларнинг ташқи функциялари шаклланиши билан вужудга келди. Ибтидоий жамoa тузумида муносабатлар ҳуқуқий аҳамиятга молик бўлмаган одатлар воситасида тартибга солинарди. Давлатларнинг вужудга келиши давлатлараро муносабатлар ва халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг шаклланишига туртки берди. Бу муносабатнинг асосий шакли давлатлараро савдо муносабатлари бўлиб, улар қадим замонлардан халқаро иқтисодий шартномаларнинг асосларидан бири ҳисобланиб келган. Бунда савдо муносабатлари эркинлиги муҳим маънавий ва ҳуқуқий тамойил сифатида тан олинган. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ ўз тарихининг илк босқичида одат кўринишига эга бўлиб, халқаро-ҳуқуқий одат унинг асосий манбаи ҳисобланган.

Милодий II асрда Қадимги Рим тарихчиси Флоршундай деб қайд этган эди: “Агар савдо алоқалари узилиб қолса, инсоният қавми ўртасида иттифоқ бузилади”. Хьюго Гроцийнинг (XVII аср) таъкидлашича “ҳар қандай халқнинг бошқа исталган халқ билан ўзаро савдо муносабатларига ҳеч ким тўсқинлик қилишга ҳақли эмас”. Айнан ана шу “*jus commercii*” тамойили — савдо эркинлиги ҳуқуқи (бу ерда савдо кенг маънода тушунилади) халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий тамойилига айланди¹.

Ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиши, савдонинг ўсиши, денгизда кема қатновининг ривожланиши натижасида шартномалар сони анча кўпайди. X-XV асрларда халқаро шартномаларнинг дастлабки махсус турлари, жумладан, савдо дарёлар бўйлаб кема қатнови

валютага оид битимлар вужудга келди. Ўрта асрларга келиб, халқаро амалиёт шартномаларига риюя қилишнинг ҳар хил кафолатлари ишлаб чиқилди. Айнан ана шу даврда шаҳарлар, савдо ва денгизда кема қатновининг ривожланиши билан Италия шаҳар-республикаларининг савдогарлар колонияларида консуллар институти вужудга келди. Консуллар ўз табақаларининг ҳуқуқлари, савдо соҳасидаги ва бошқа соҳалардаги манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайинланар ва чет элга юборилар эди. XVII аср бошида барча давлатлар учун очиқ денгизлар ва океанларда кема қатнови эркинлиги таъминланди. Ривожланаётган савдо-сотиқ манфаатлари, кема қатнови эркинлигини таъминлашдан ташқари, чет эллик шахсларнинг ҳуқуқларига нисбатан янги-ча ёндашувни ҳам тақозо этар эди. XVI асрнинг иккинчи ярмидан чет элликларнинг ҳуқуқлари савдо шартномаларига киритила бошланди. Бу шартномаларда олдинги камситувчи чеклашларни бекор қилиш назарда тутилди ва чет элликларга маҳаллий судларга мурожаат этиш эркинлиги, мерос қолдирилган мол-мулкни олиб чиқиб кетиш ҳуқуқи берилди. XVIII асрдан савдо битимларига чет элликлар учун мумкин қадар қулайлик яратиш режими тўғрисидаги шарт киритила бошланди. Капиталистик жаҳон бозорининг ташкил топиши, халқаро савдо, иқтисодий, техник ва бошқа халқаро алоқалар ҳамда алоқа воситаларининг кенг ривожланиши халқаро шартномалар, айниқса, алоқа ва алоқа йўллари масалалари бўйича кўп тарафлама битимлар сонининг кўпайишига олиб келди. XX асрга келиб давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солишга тааллуқли айрим махсус тамойиллар, институтлар ва халқаро-ҳуқуқий доктриналар, чунончи, “тенг имкониятлар”, “капиту-

ляциялар”, “очиқ эшиклар”, “консуллик юрисдикцияси”, “эгалланган ҳуқуқлар”, “миллий режим”, “камситмаслик” доктриналари вужудга келди.

XIX-XX асрларда халқаро иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик янги шакллариининг пайдо бўлиши шартномаларнинг янги турлари (тўловлар тўғрисидаги битимлар, клиринг битимлари, транспорт ва юк ташиш, алоқа, саноат мулки, франшиза, форфейтинг каби масалалар бўйича битимлар)нинг вужудга келишига, шунингдек, жуда кўп халқаро иқтисодий ва илмий-техникавий ташкилотлар тузилишига олиб келди. Бу жараён Иккинчи жаҳон урушидан кейин айниқса, жўшқин тус олди. БМТ Устави ҳозирги замон халқаро иқтисодий ҳуқуқининг асосий шартнома ҳужжатига айланди. БМТ Уставида иқтисодий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш асосий мақсадлардан бири сифатида қайд этилган (1-модда).

XX асрнинг иккинчи ярмида Европада халқаро иқтисодий ташкилотлар – Европа Ҳамжамияти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Шимол ҳамкорлик ташкилоти, БеНиЛюкс ва бошқа ташкилотлар вужудга келди. 1947 йилда биринчи мартаба кўп тарафлама савдо шартномаси – Тарифлар ва савдо тўғрисидаги бош битим (ГАТТ) тузилди. Ушбу битим негизда юздан ортиқ давлатни бирлаштирувчи алоҳида халқаро муассаса ташкил топди. Шунини таъкидлаш лозимки, 1944 йилда Бреттон-Вуддсда (АҚШ) бўлиб ўтган валюта ва молия масалаларига бағишланган конференцияда Халқаро валюта фонди Тикланиш ва тараққиёт халқаро банки билан бир қаторда Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ) ҳам тузилган бўлиб, ушбу ташкилотга БМТнинг ихтисослашган муассасаси мақоми берилган эди. Лекин турли давлатлар ўртасида келиб чиққан ихтилофлар туфайли

ХСТ ўз фаолиятини бошламасданоқ тарқатиб юборди.

XX асрнинг иккинчи ярмида рўй берган фан-техника инқилоби жамият тараққиётининг нафақат илмий-техникавий, балки иқтисодий негизида ҳам туб ўзгариш ясади. Умуман олганда, XX аср давомида халқаро ҳуқуқнинг, айниқса, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг барча соҳаларида катта ўзгаришлар рўй берди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ шаклланишининг асосий босқичларига таъриф беринг.
2. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида нимани англатади?
3. Халқаро ҳуқуқ қачон пайдо бўлган?
4. “Тизим” (халқаро ҳуқуқ тизими, халқаро муносабатлар тизими, халқаро иқтисодий муносабатлар тизими) тушунчаси нимани англатади?
5. Халқаро миқёсда халқаро ҳуқуқий меъёрлардан ташқари яна қандай нормалар мавжуд?
6. Халқаро иқтисодий муносабатлар ва жаҳон хўжалиги тузилиши ҳақида сўзлаб беринг.
7. Дунё миқёсида халқаро ҳуқуқнинг тутган ўрни ва аҳамияти нималарда намоён бўлади?

Адабиётлар

1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. -М., 1997.
2. Богуславский М.М. Международное частное право.- М., Юристъ. 1998 г. (3-е изд. перераб. и доп).
3. Богуславский М.М. Международное экономическое право.- М., 1986.

4. Вельяминов Г.М. Основы международного экономического права.- М., 1994.
5. Карро Д., Жюйар П. Международное экономическое право. Научный редактор В.И.Шумилов. М., "Международные отношения". 2002.
6. Лукашук И.И. Международное право. Общая часть. - М., 1996.
7. Международное право /Под ред. Ю.П.Колосова, В.И.Кузнецова. - М., 1996.
8. Международное право. Учебник. 2-е изд. перераб. и доп. Отв. ред. Ю.И.Колосов, В.И. Кузнецов. М., Международные отношения, 1998.
9. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава Международное экономическое право) – Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004.
10. Пембро М. Международные экономические, валютно-финансовые отношения.- М., 1994.
11. Ушаков Н.А. Международное право, основные понятия и термины.- М.6-1996.
12. Шмаков В.А. IV Ломейская конвенция как договорно-правовой инструмент установления нового международного экономического порядка./ МЖМП, 1995. №4. С.64-83
13. Шумилов В.М. Международное экономическое право. - М., ДеКА, 1999.

2. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ

Айрим манбаларга кўра, халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари ва нормалари, давлатлараро иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи тармоғидир.

Бошқа манбаларда халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро оммавий ҳуқуқнинг давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи тамойиллар ва нормалар мажмуидан иборат тармоғи сифатида таърифланади.

Иккала таъриф ҳам, умуман, олганда бир-бирига мос келади. Уларда халқаро иқтисодий ҳуқуққа халқаро ҳуқуқнинг муайян йўналишидаги муносабатлар – давлатлараро иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қисми сифатида ёндашилган.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг предметини кўп тарафлама ва икки тарафлама иқтисодий шартномалар, ишлаб чиқариш, фан-техника, валюта-молия, транспорт, алоқа, туризм, интеллектуал мулк ва бошқа соҳалардаги тижорат муносабатлари ташкил этади.

Ҳозирги замон ғарб адабиётида халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг икки асосий концепцияси илгари сурилади. Биринчиси классик концепция бўлиб, унда халқаро иқтисодий ҳуқуққа халқаро оммавий ҳуқуқнинг бир тармоғи сифатида ёндашилади. Унинг предметини халқаро ҳуқуқ субъектларининг иқтисодий муносабатлари ташкил этади. Иккинчи концепцияга биноан, халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқи халқаро иқтисодий ҳуқуқ нормаларининг манбаи ҳисобланади. Ушбу нормалар бир давлат доирасидан четга чиқадиган тижорат муносабатларида иштирок этаётган ҳуқуқнинг барча субъектларига

нисбатан татбиқ этилади. Ушбу талқинга кўра, турли давлатларда яшайдиган шахслар ўртасида тузилган халқаро олди-сотди битими халқаро иқтисодий ҳуқуқ билан тартибга солиниши лозим. Бундай ёндашувнинг салбий жиҳати шундан иборатки, халқаро иқтисодий ҳуқуқ ҳар хил ҳуқуқий муносабатларни қамраб олиши лозим, яъни у давлатлар ва бошқа субъектлар ўзаро алоқа қиладиган умумий ҳуқуқий майдонни вужудга келтирувчи халқаро савдо тизими нормаларини ўз ичига олиши керак. Айни вақтда, у муайян битимни (масалан, халқаро олди-сотди битимини) тартибга солувчи халқаро савдо битимларини ҳам ўз ичига олади. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тушунчаси тартибга солиш предметига эга бўлган ва ягона мақсад билан боғланмаган ҳар хил тартибга солувчи ҳужжатларга сингиб кетади.

Кенг маънода халқаро иқтисодий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ тармоғи сифатида, халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида уларнинг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга соладиган юридик нормалар мажмуидир.

Тор маънода халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро иқтисодий муносабатларни ташкил этадиган, асосан макро-иқтисодий муносабатларни (микроиқтисодий муносабатларга қарама-қарши равишда) тартибга соладиган нормалар мажмуидир. Ушбу ёндашувда халқаро савдо тизими нормалари халқаро иқтисодий ҳуқуқ нормалари ҳисобланади, халқаро олди-сотди нормалари эса халқаро иқтисодий ҳуқуқ таркибига кирмайди.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ташкил этишни тартибга соладиган барча нормалар одатда халқаро иқтисодий ҳуқуқ деб аталади. Ваҳоланки, улар бир-биридан анча фарқ қилади. Масалан, халқаро ҳуқуқ доим ҳам ушбу нормалар манбаи бўлиб хизмат қилавермайди.

Халқаро-ҳуқуқий манбалар – конвенцион ва ноконвенцион нормалар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз. Лекин халқаро иқтисодий муносабатларни ташкил этиш нуқтаи назаридан миллий ҳуқуқ тизимларининг нормалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, молия муносабатлари соҳасида инвестицияларнинг давлатлар доирасида тартибга солиниши, ҳусусан, уларнинг рағбатлантирилиши ёки чекланиши халқаро капиталларнинг оқимида ўз аксини топади. Халқаро иқтисодий муносабатларни ташкил этишга миллий ҳуқуқнинг таъсири халқаро иқтисодий ҳуқуққа берилган таърифнинг аниқлигини шубҳа остида қолдиради. Балки уни халқаро иқтисодий муносабатлар ҳуқуқи деб номлаш тўғрироқ бўлармиди? Халқаро ҳуқуқнинг мазкур тармоғи қандай таърифланишидан қатъи назар, у макро ва микроиқтисодиёт ўртасидаги фарқни кўрсатиши зарур. Макроиқтисодиётга иқтисодий тизимлар ўртасидаги муносабатлар киради. Микроиқтисодиёт – иқтисодий операторларнинг яқка тартибда фаолият кўрсататувчи соҳаси ҳисобланади. Гарчи халқаро иқтисодий ҳуқуқ ҳуқуқ йирик иқтисодий тизимларининг ўзаро алоқа қиладиган тармоғи бўлса-да, у фақат шу тизимларни тартибга солиш билан чекланмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг ўтган асрнинг охиригача икки ўн йиллигидаги ривожланиш жараёнига назар ташлаш kifоя. Масалан, ЖСТ тизимини ташкил этувчи янги халқаро савдо ҳуқуқи эндиликда ҳам интеллектуал мулк (Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларнинг савдо билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги битим), ҳам инвесторларнинг ҳаракатида (Инвестицион чора-тадбирларнинг савдо билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги битим) бирдай хизматлар кўрсатишни (Хизматлар савдоси бўйича бош битим) тақозо этади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ — ҳуқуқнинг ўзига хос

тармоги бўлиб, у шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг инвестицияларини, халқаро мол-мулк ва хизматлар савдосини ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлаш. уларни молиявий таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, халқаро миқёсда моддий бойликлар яратиш жараёнини ва уларни молиявий таъминлашни тартибга солади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ миллий ҳудудда ишлаб чиқаришнинг хорижий омилларини (шахслар ва капиталлар) жойлаштириш ҳамда миллий иқтисодиётлар ўртасидаги айирбошлаш каби иқтисодий жараёнларни ҳам қамраб олади. Буларнинг барчаси мантиқий жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Айни вақтда, бошқа соҳаларда бўлганидек, халқаро иқтисодий ҳуқуқда ҳам глобаллашув жараёни давом этмоқда. Масалан, бугунги кунда чет эллик шахсларга мамлакат ичкарасига рухсат бериш ва савдо-сотик масалаларида ҳуқуқий режимларнинг бирлашуви кузатилмоқда. Хизматлар кўрсатиш соҳасидаги режимлар бирлашуви рўй берди, инвестициялар соҳасида ҳам бу жараён кутилмоқда. Инвестициялар ҳаракати омили биринчи ўринга чиқди ва бу эса ўз-ўзидан чет эллик шахслар эркин қўйилишини тақозо этмоқда (бу ҳозирча чекланган ёки тақиқланган, миллий шахслар фойдасига дискриминацион қоидалар амал қилмоқда).

Халқаро иқтисодий муносабатлар ҳуқуқи кенг маънода халқаро ҳуқуқ ва халқаро шартномалар ҳуқуқининг иқтисодий аҳамиятга молик барча нормаларини қамраб олган бўлиб, у товарлар, капиталлар, технологиялар ва одамлар ҳаракатини тартибга солади.

Давлатлар, шунингдек, халқаро оммавий ҳуқуқнинг бошқа субъектлари халқаро иқтисодий ҳуқуқ предмети ўртасидаги кўп тарафлама ва икки тарафлама халқаро иқтисодий муносабатлар бўлиб ҳисобланади

Давлатлараро иқтисодий муносабатлар эса халқаро

иқтисодий ҳуқуқнинг тартибга солиш объекти бўлиб хизмат қилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларда халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъектлари сифатида халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари амал қилади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизими принципиал бирлик хусусияти билан тавсифланадиган юридик нормалар мажмуидан иборат. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ хизмат кўрсатиши лозим бўлган халқаро иқтисодий муносабатлар тизими ҳуқуқнинг ушбу тармоғи учун тизим ҳосил қилувчи моддий омил бўлиб ҳисобланади. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг мақсадлари ва тамойиллари асосий юридик ҳамда тизим ҳосил қилувчи омиллар сифатида амал қилади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизими ўзига хос тузилмага эга. Тузилма деганда тизимнинг ўзига хос хусусиятлари – унинг ички тузилиши, таркибий қисмлари жойлашуви ва боғланиши, улар ўртасидаги алоқалар тушунилади. Бошқача айтганда, бу тизимнинг ички шакли, тизим қисмларининг муайян тартиби демакдир. Тизимнинг барқарорлиги унинг қисмлари ўртасидаги алоқаларнинг узлуксизлигига боғлиқ бўлади. Тизимнинг хусусияти ундаги алоқалар хусусияти билан белгиланади.

Шундай қилиб, халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизими мақсадлар ва тамойиллар мажмуига таянади. Мазкур тизим ўзига хос тузилишга, муайян шаклланиш ҳамда фаолият усулларига эга бўлиб, ўзига хос қонуниятларга мувофиқ ривожланади. Ушбу тизимнинг мавжудлиги объектив белгиланган, чунки ҳозирги замон халқаро иқтисодий ҳуқуқи фақат лозим даражада уюшган тизим сифатида ўз вазифаларини бажаришга қодирдир.

Ҳозирги замон халқаро иқтисодий ҳуқуқи давлатлар

иқтисодий ҳамкорлигининг, бинобарин, халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий мақсадларини белгилаб берди. Натижада у давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг нафақат шакллари, балки мазмунини ҳам белгилай бошлади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ асосий тамойилларининг вужудга келган мажмуи илгари пароканда ҳолда бўлган нормалар гуруҳларини бирлаштирди, уюштирди ва ўзига бўйсундирди. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ фақат диспозитив хусусиятга эга бўлмай қолди, императив, яъни умум эътироф этилган нормалар мажмуи вужудга келди. Бу нормалар доирасидан давлатлар ўз муносабатларида ҳатто ўзаро келишувга кўра ҳам четга чиқишлари мумкин эмас.

Тизимнинг яна бир белгиси – нормалар иерархияси вужудга келди. Нормалар иерархияси уларнинг халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш, тизим фаолияти учун зарур бўлган ўзаро келишиш ва ихтилофларни бартараф этиш жараёнини содалаштириш имконини беради.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқда нормаларни таркиб топтириш ва имплементация қилиш жараёнларини тартибга солиш тобора кучайиб бормоқда. Халқаро иқтисодий процессуал ҳуқуқнинг аста-секин шаклланаётганлиги ҳуқуқ тизимининг ривожланиб бораётганлигидан далолатдир.

Норма - халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизимининг бирламчи элементи бўлиб, у муайян халқаро иқтисодий муносабат модели ҳисобланади. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизими эса халқаро иқтисодий муносабатлар тизимининг норматив моделидир. Ушбу моделлар халқаро иқтисодий муносабатларни ўз мазмунига мумкин қадар яқинлаштириш мақсадида уларга таъсир кўрсатади. Тизим муносабатларни тартибга солиши мумкин, чунки унинг

таркибидаги айрим нормалар гуруҳлари ўз вазифаларини ҳал қилади. Нормалар бир-бирини тақозо этади. Шу боис тизим ички узвий боғлиқликка эга бўлиши лозим. Унинг қисмлари бир-бирига зид келиши мумкин эмас. Ўта мураккаб ҳодиса бўлган халқаро иқтисодий ҳуқуқ учун бу жуда оғир вазифадир.

Шундай қилиб, халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизимига нормаларнинг бирлаштирилиши уларнинг янги сифатлари пайдо бўлишига олиб келди. Эндиликда бу нормалар халқаро иқтисодий муносабатларни изчиллик билан тартибга солишга қодирдир. Халқаро иқтисодий ҳуқуққа табақалашув ва интеграциялашув жараёнлари ҳосдир. Янги ҳамкорлик соҳалари ва халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг янги йўналишлари вужудга келмоқда. Айни вақтда, тизим доирасидаги турли йўналишлар ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланмоқда.

Барча давлатлар учун мажбурий бўлган умумий халқаро иқтисодий ҳуқуқ тизимнинг ўзагини ташкил этади. Бундан ташқари, давлатларнинг гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи минтақавий халқаро-ҳуқуқий мажмуалар мавжуд. Жуда кўп нормалар икки тарафлама муносабатларни тартибга солади. Минтақавий ва икки тарафлама нормалар умумий халқаро иқтисодий ҳуқуққа мос келиши лозим. Умуман олганда, улар дунё миқёсидаги (глобал) халқаро-ҳуқуқий тизимни ташкил этади.

Демак, халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро оммавий ҳуқуқнинг тармоғидир, деган қоидадан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

- 1) халқаро иқтисодий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқ айнан бир хил манбаларга таянади;
- 2) халқаро ҳуқуқ тамойиллари халқаро иқтисодий ҳуқуққа нисбатан ҳам амал қилади. Айни вақтда, хал-

қаро иқтисодий ҳуқуқ доирасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларидан ташқари, махсус тамойиллар ҳам қўлланади.

3) халқаро иқтисодий ҳуқуқ — халқаро оммавий ҳуқуқнинг тармоғи, деган таърифга асосланиб, халқаро ҳуқуқнинг ҳам, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг ҳам субъектлари бир. деб ҳисоблаш мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, давлатлар ташқи иқтисодий фуқаролик-ҳуқуқий, тижорат фаолиятида бевосита иштирок этишга ҳақлидирлар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодий шартнома ва битимларнинг қайси турларини биласиз?
2. Халқаро иқтисодий муносабатларни халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш асосини нима ташкил этади?
3. Халқаро ҳуқуқда шартномавий ва оддий нормаларнинг ўзаро боғлиқлиги нимада акс этади?

Адабиётлар

1. Броунли Я. Международное право. Книга 1. -М., 1997.
2. Даниленко Г.Н. Обычай в современном международном праве. -М., 1988.
3. Лукашук И.И. Нормы международного права. Общая часть. -М., 1997.
4. Лукашук И.И. Обычные нормы современного международного права. / МЖМП, 1994. №2.
5. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002. 528-б.
6. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. -Т., Адолат, 2001, 220-б.
7. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава

Международное экономическое право) – Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004.

8. Тиунов О.И. Принцип соблюдения международных обязательств. -М., 1979.
9. Ушаков Н.А. Международное право, основные понятия и термины. -М., 1996.
10. Хакимов Р.Т. Узбекистан и ООН. 1995.
11. Хакимов Т.Т. Международно-правовые вопросы признания и правопреемства Республики Узбекистан. -Т., 1997.
12. Шумилов В.М. Международное экономическое право. -М., ДеКА, 1999
13. Черниченко С.В. Теория международного права. В двух томах. М., НИМН, 1999.

3. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари билан халқаро ҳуқуқ манбалари моҳиятан бир хил бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи халқаро шартнома ва халқаро-ҳуқуқий одатдан ташкил топган. Айни вақтда, халқаро иқтисодий ҳуқуқ манбалари халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ айрим ўзига хос хусусиятларга эга.

Иқтисодий муносабатларнинг турли жиҳатларини тартибга солувчи кўп тарафлама ва икки тарафлама шартномалар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий шартномалар ҳам халқаро иқтисодий алоқалар каби ранг-барангдир. Савдо, инвестицион, божхона, ҳисоб-китоб-кредит ва бошқа шартномалар халқаро иқтисодий ҳуқуқ ва тегишли тармоқларнинг ўзагини ташкил этувчи нормаларни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу шартномалар асосан икки тарафлама тузилади.

Бундай шартномалар орасида ўтган асрнинг иккинчи ярмида, давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги соф савдо алоқалари доирасидан четга чиқа бошлаган айни бир даврда вужудга келган янги шартномалар – *иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар* ажралиб туради. Улар ҳамкорликнинг умумий йўналишлари ва соҳаларини белгилайди (саноат объектларини қуриш ва уларни реконструкция қилиш, саноат ускуналари ҳамда бошқа товарлар ишлаб чиқариш, уларни етказиб бериш, патентлар ва интеллектуал мулк объектларини топшириш, қўшма тадбиркорлик кабилар); кўрсатилган соҳаларда ахдлашаётган давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахслари ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш бўйича давлатларнинг мажбуриятларини ўзида мужассамлаштиради; молиялаш ва кредитлаш асосларини белгилаб беради. Бундай битимлар ҳукуматлараро аралаш комиссиялар тузишни ҳам назарда тутаяди.

Кўп тарафлама иқтисодий ҳамкорлик ривожланиши билан кўп тарафлама шартномаларнинг роли ошиб бормоқда. Бунга халқаро савдо соҳасидаги универсал шартномага биноан 1947 йилда тузилган *Тарифлар ва савдо бўйича бош битим* (ГАТТ) мисол бўла олади. ГАТТда ҳар хил юридик шаклларда 150 дан ортиқ давлат иштирок этади. Иқтисодий ташкилотлар тузиш тўғрисидаги кўп тарафлама шартномалар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг манбалари сифатида амал қилади (масалан, Халқаро валюта фонди ҳамда Тикланиш ва тараққиёт халқаро банкни тузиш тўғрисидаги Бреттон-Вудде битимлари) 1992 йили Ўзбекистон Республикаси мазкур иккала ташкилотга аъзо бўлди. Ҳом ашё маҳсулотлари бўйича кўп тарафлама битимлар – *халқаро товар би-*

тимлари кенг тарқалган. Иқтисодиёт соҳасидаги хусу- сий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларини бир хиллаштиришга қаратилган конвен- циялар кўп тарафлама шартномаларга мисол бўлади (масалан, 1980 йилда БМТнинг Товарлар халқаро олди- сотди шартномалари тўғрисидаги конвенцияси).

Кўп тарафлама шартномаларнинг мухтасар рўйхати- дан кўриш мумкинки, халқаро иқтисодий ҳамкорлик соҳасида бундай ҳамкорликнинг ривожланиши учун умумий ҳуқуқий замин яратадиган кўп тарафлама (уни- версал) шартномалар мавжуд эмас. Иқтисодий ҳамкор- ликнинг умумий қоидалари, тамойиллари фақат халқа- ро ташкилотлар ва конференцияларнинг кўп сонли ре- золүция ва қарорларида таърифланган бўлиб, бу хал- қаро иқтисодий ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Иқтисодий ҳамкорликнинг умумий қоидалари, тамойиллари орасида энг муҳимлари қуйидагилардир: 1964 йили ЮНКТАДнинг Женевадаги биринчи конфе- ренциясида қабул қилинган Женева тамойиллари (Хал- қаро савдо муносабатларини ва тараққиётга кўмаклаша- диган савдо сиёсатини белгиловчи тамойиллар); 1974 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари шаклида қабул қилинган Янги халқаро иқтисодий тартиб ўрна- тиш тўғрисидаги декларация ҳамда Давлатларнинг иқти- содий ҳуқуқ ва бурчлари хартияси; БМТ Бош Ассамб- леясининг “Халқаро иқтисодий муносабатларда ишонч- ни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” (1984 йилда) ва “Халқаро иқтисодий хавфсизлик тўғрисида”ги (1985 йилда) резолюциялари ва ҳ. к.

Алоҳида таъкидлаш жоизки халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган резолюцияларнинг барчаси мажбурий юридик кучга эга бўлмаганлиги туфайли ҳам улар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг манбалари ҳисоб-

ланмайди. Лекин шунга қарамасдан, айнан ана шу ҳужжатлар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий мазмунини белгилашга хизмат қилади. Жаҳон иқтисодий тараққиётининг асосий қонуниятлари ва талабларига жавоб берадиган бир қанча қоидалар умумэътироф этилди ва улар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг принципиал негизи бўлиб хизмат қилмоқда. Уларнинг юридик мажбурийлиги кўрсатилган халқаро ҳужжатлар қабул қилинишидан олдин ҳам, улар қабул қилинганидан кейин ҳам амалга оширилган халқаро амалиётдан англашилади (тегишли қоидаларнинг кўп сонли икки тарафлама шартномалар ҳамда давлатларнинг ички қонун ҳужжатларида мустақамланиши, уларнинг арбитраж ва суд амалиётида қўлланиши ва ҳ.к.). Бинобарин, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий нормалари халқаро-ҳуқуқий одат шаклида мавжуддир.

Нихоят, халқаро иқтисодий ҳуқуқ ва унинг манбаларига хос бўлган яна бир хусусият “юмшоқ” ҳуқуқ, яъни “чора кўриш”, “ривожлантириш ёки амалга оширишга кўмаклашиш”, “амалга оширишга ҳаракат қилиш” каби ибораларга асосланган ҳуқуқий нормаларнинг катта ўрин тутишидир. Бундай нормалар давлатларга аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклаганасан-да, улар юридик жиҳатдан мажбурий ҳисобланади. Иқтисодий муносабатларнинг турли соҳаларида ҳамкорлик бўйича битимларда “юмшоқ” ҳуқуқ нормалари анча кўп учрайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг қандай махсус тамойиллари бор? Мазкур тамойилларнинг қайсилари Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда қўлланади?
2. Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш соҳасида қандай халқаро ҳуқуқий шакллар мавжуд?
3. Халқаро ҳуқуқ ва Халқаро иқтисодий ҳуқуқ универсал манбаларининг махсус манбалардан фарқи нимада?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. -Т., "Адолат", 2003.
2. Броунли Я. Международное право. Книга 1. -М., 1997.
3. Даниленко Г.Н. Обычай в современном международном праве. -М., 1988.
4. Лукашук И.И. Нормы международного права. Общая часть.- М., 1997.
5. Лукашук И.И. Обычные нормы современного международного права. / МЖМП, 1994. №2.
6. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава «Международное экономическое право») – Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004г.
7. Решетов Ю. Право на самоопределение и отделение. / МЖМП, 1994. №4.
8. Тиунов О.И. Принцип соблюдения международных обязательств.- М., 1979.
9. Шумилов В.М. Международное экономическое право.- М., ДеКА, 1999
10. Шагалов Г., Пресняков В., Фаминский И. Регулирование внешнеэкономических связей. М., 1996.

4. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ ТАМОЙИЛЛАРИ

Иқтисодий муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг негизини халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ташкил этади. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган мазкур тамойиллари халқаро иқтисодий муносабатларга нисбатан ҳам амал қилади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тамойиллари халқаро ҳуқуқ мақсадлари ва тамойиллари билан белгиланади. Бундан ташқари, БМТ Уставида иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор берилган. Унга мувофиқ, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат: барча халқларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига кўмаклашиш; халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик муносабатларини қарор топтириш учун зарур барқарорлик ва фаровонлик шарт-шароитларини яратиш; иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт шароитида аҳоли турмуш даражасини ошириш, уни тўлиқ иш билан таъминлаш.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тамойиллари муҳим вазифаларни бажаради. Улар давлатларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, субъектлар ўзаро ҳамкорлигига замин яратади, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг амал қилиши ва ривожланиши учун гоёвий асос бўлиб хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, мазкур тамойиллар халқаро иқтисодий ҳуқуқий тартибот пойдеворидир. Улар ушбу ҳуқуқий тартиботнинг қиёфасини белгилайди. Шунингдек, улар халқаро қонунийлик мезони ҳамдир.

Халқаро ҳуқуқнинг барча умумий тамойиллари халқаро иқтисодий ҳамкорликка нисбатан ҳам амал қилади. Лекин уларнинг айримлари иқтисодиёт соҳасида қўшимча мазмун касб этади. Суверен тенглик тамойилига муво-

фиқ барча халқлар ўз иқтисодий тизимини эркин танлаш ва иқтисодий ривожланишини амалга оширишга ҳақлидирлар. Куч ишлатмаслик ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларига мувофиқ, куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиш ҳамда давлатнинг иқтисодий асосларига қарши қаратилган хатти-ҳаракатларининг бошқа ҳар қандай шакллари тақиқланган; қолаверса, иқтисодий муносабатлардаги барча низолар ҳам фақат тинч йўл билан ҳал қилиниши лозим.

Ҳамкорлик тамойилига мувофиқ, давлатлар халқларнинг иқтисодий барқарорлиги ва тараққиёти, умумий фаровонлигига эришиш мақсадида бир-бири билан ҳамкорлик қилиши шарт. Ўз-ўзидан равшанки, мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили халқаро иқтисодий муносабатларга ҳам тегишлидир.

Халқаро иқтисодий ҳамкорликка доир асосий халқаро ҳужжатлар халқаро ҳуқуқнинг умумий тамойиллари халқаро иқтисодий тартиб учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этади. Айни вақтда, уларда халқаро иқтисодий муносабатлар ва халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг махсус тамойиллари таърифлаб берилган.

Мазкур тамойиллар муайян савдо-сиёсий режимларидан фойдаланишни белгилайди. Айни вақтда, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг махсус тамойиллари конвенцион хусусиятга ҳам эга бўлиб, уларнинг таъсирчанлиги ҳар бир муайян ҳолатда тегишли халқаро шартномаларга киритилганлиги билан белгиланади.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг махсус тамойилларига қуйидагилар киради:

Ялпи иштирок этиш тамойили. Умумманфаатларда жаҳон иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда барча мамлакатларнинг тенглик асосида тўлиқ ва самарали иштирок этишини англатади;

- давлатнинг ўз табиий ресурслари ва бутун иқтисодий фаолияти устидан ажралмас суверенитети тамойили, ҳудудидаги табиий ресурсларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, шунингдек, миллий юрисдикцияси амал қиладиган доирада чет эл инвестициялари ва ТНК фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Халқаро ижтимоий адолат тамойили. Халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида ривожланишини, ривожланаётган мамлакатлар амалда тенгликка эришиши учун уларга бир тарафлама имтиёзлар берилишини англатади;

- денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган мамлакатларга денгизга эркин чиқиш имкониятини бериш тамойили.

Камситмаслик тамойили. Ушбу тамойил умумэтироф этилган давлатларнинг суверен тенглиги тамойилидан келиб чиқади ва ҳуқуқий маънода давлатнинг халқаро иқтисодий муносабатларда тенг ҳуқуқлилигини англатади. Мазкур ҳуқуқ қонуний равишда алоҳида имтиёзлар бериш, қулай шарт-шароитлар яратишга дахл этмайди. Бошқача айтганда, камситмаслик режими нормал амал қиладиган, барча мамлакатлар учун умумий бўлган шароитларини бошқа мамлакатга нисбатан ёмонлаштирмаслик мажбуриятини англатади.

Ушбу тамойил БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияларида, БМТ ЭКОСОС ҳужжатларида, ЕХХК Яқуний ҳужжатида ва бошқа кўплаб ҳужжатларда тасдиқланган.

Мумкин қадар қулайлик яратиш тамойили. Ушбу тамойил муайян бир давлатнинг ўзи билан ҳамкорлик қиладиган бошқа бир давлатга имтиёзлар бериш (қулайроқ шарт-шароит яратиш) мажбуриятини англатади. Мазкур имтиёзлар исталган учинчи бир мамлакат учун амал қиладиган бўлиши ёки жорий этилиши ҳам мум-

кин. Мумкин қадар қулайлик яратиш режимининг амал қилиш соҳаси одатда муайян халқаро шартномадаги тегишли эслатмада қайд этилади ва у шартнома клаузуласида ифодаланади.

Ушбу тамойил Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари хартиясининг 26-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга кўра, “халқаро савдо ўзаро манфаатдорлик, одилона устунликлар ва бир-бирига мумкин қадар қулайлик яратиш режимини белгиланган асосида амалга оширилиши лозим”. ЕХХКнинг Якуний ҳужжатида аъзо давлатлар мумкин қадар қулайлик яратиш режими савдо-сотиқнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши эътироф этилган.

Умумий халқаро-ҳуқуқий тамойиллар ва халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг махсус тамойилларидан ташқари, иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган *ҳуқуқий режимлар* ҳам мавжуд. Лекин тамойиллардан фарқли ўлароқ, ҳуқуқий режимлар умумий равишда қўлланилмайди. Улар шартнома режимлари бўлиб фақат манфаатдор давлатларнинг ўзаро келишувига биноан қўлланади.

Миллий режим. Миллий режим айрим савдо битимларида назарда тутилади ва қоида тариқасида, чет давлат фуқаролари ва юридик шахслари ҳуқуқий муносабатларнинг муайян турлари бўйича ўзаро асосда ҳуқуқий жиҳатдан миллий фуқаролар ва юридик шахсларга тенглаштирилишини англатади. Одатда бу чет эллик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати, жумладан, суд иши юритувига тегишлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади.

Ўзаро манфаатдорлик тамойили. Ўзаро манфаатдорлик тамойили давлатларнинг суверен тенглиги тамойилидан бевосита келиб чиқади ва улар ўртасида ўзаро манфаатдорликка асосланмаган муносабатларга йўл қўйиб бўлмаслигини, манфаатлар ва мажбуриятлар тенг ҳажмда, одилона тақсимланиши лозимлигини англатади.

Ўз-ўзидан равшанки, давлатлараро, жумладан, иқтисодий муносабатларда манфаат ва мажбуриятларнинг одилона тақсимланиши тамойили ҳар бир муайян битим учун андоза бўлиб хизмат қила олмайди. Шунга қарамаздан мазкур тамойилга мувофиқлаштирилган умумий халқаро-ҳуқуқий тамойил сифатида қаралиши зарур.

Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари хартиясининг 1-моддасига биноан, давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ўзаро ва одилона манфаатдорлик асосига қурилиши лозим. Халқаро савдо соҳасидаги бошқа ҳужжатларда ҳам ушбу савдо доирасида бошқа давлатларнинг савдо соҳасидаги манфаатларига зарар етказадиган хатти-ҳаракатлар амалга оширилмаслиги лозимлиги ҳақидаги қоидалар белгиланган. ЕХХҚнинг Якуний ҳужжатида иқтисодиёт, фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлик икки ёки кўп тарафлама битимларга риоя қилинган ҳолда, манфаат ва мажбуриятларни нисбатан тенг ҳажмда одилона тақсимлаш имконини берадиган ўзаро тенглик асосида ривожланиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Преференциал режим. Преференциал режим – муайян бир давлат ёки давлатлар гуруҳи ўртасида амал қилувчи савдо соҳасидаги (аввало солиқ преференциялари ва божларга нисбатан белгиланган) имтиёзлардан иборат. БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конферен-

цияси тавсияларига кўра, ривожланган давлатлар томонидан ривожланаётган мамлакатларга нисбатан шунингдек, ривожланаётган мамлакатлар ўртасида қўлланадиган преференциялар тизими бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин. Преференциялар бериш мумкин қадар қулайлик яратиш тамойилини бузиш ҳисобланмайди. Ушбу тамойил 1992 йилда Атроф-муҳит ва тараққиёт бўйича Рио-де-Жанейро декларациясида ўз аксини топган.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг (умумий ва махсус) тамойилларига таъриф беринг.
2. Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тамойиллари қандай аҳамиятга эга?
3. Уларнинг қандай хусусият ва жиҳатлари мавжуд?
4. Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили нимани англатади?
5. Давлатнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили нимани англатади?
6. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларида қандай ўз аксини топган?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. -Т., "Адолат", 2003
2. Броунли Я. Международное право. Книга 1. -М., 1997.
3. Даниленко Г.Н. Обычай в современном международном праве. -М., 1988.
4. Карташкин В.А. Права человека в международном и внутригосударственном праве. -М., 1995.

5. Концепция основных прав и обязанностей на рубеже веков. (Колл. Авт.) / МЖМП, 1996, №4.
6. Лукашук И.И. Нормы международного права. Общая часть. -М., 1997.
7. Лукашук И.И. Обычные нормы современного международного права. / МЖМП, 1994. №2.
8. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528-б.
9. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ Т., "Адолат", 2001, 220-б.
10. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава Международное экономическое право) -Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004.
11. Тиунов О.И. Принцип соблюдения международных обязательств. -М., 1979.
12. Хакимов Р.Т. Узбекистан и ООН. 1995.
13. Хакимов Т.Т. Международно-правовые вопросы признания и правопреемства Республики Узбекистан. -Т., 1997.
14. Шумилов В.М. Международное экономическое право. -М., ДеКА, 1999
15. Черниченко С.В. Теория международного права. В двух томах. -М., НИМН, 1999, 334 стр.

5. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш тизимида давлат асосий ўринни эгаллайди. У халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг ҳам, халқаро ҳуқуқнинг ҳам асосий субъектидир. Давлат суверенитети, унга имманент тарзда хос бўлган хусусият сифатида, иқтисодиёт соҳасига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Айнан шу соҳада халқаро ҳамжамият аъзоларининг ўзаро боғлиқлиги айниқса ёрқин намоён бўлади. Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, давлат халқаро иқтисодий алоқалардан миллий хўжалиги манфаатларида халқаро иқтисодий ҳуқуқ доирасида фаол фойдаланган тақдирдагина у ўз суверенитети, иқтисодиёт соҳасидаги суверен ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариши мумкин. Бундай ҳамкорлик зинҳор-базинҳор давлат суверен ҳуқуқларининг чекланиши ҳисобланмайди.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги икки Халқаро пактда (ҳар иккала пактлар 1-моддасининг иккинчи бандида) барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига кўра ўз табиий бойликларини эркин, лекин “ўзаро манфаатдорлик тамойилига асосланган халқаро иқтисодий ҳамкорликдан ва халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган бирон-бир мажбуриятларга зарар етказмасдан” тасарруф этишлари мумкинлиги қайд этилган. Шундай қоида 1974 йилда Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари хартиясида давлатга ва унинг суверенитетига нисбатан таърифланган.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ, умуман олганда, бозор иқтисодиётининг қонуниятларини ўзида акс эттиради. Лекин бу давлат суверен ҳуқуқларининг чекланиши ва иқтисодий соҳадаги ролининг камайишини англатмайди

албатта. Аксинча, бундай ҳолатда давлат зиммасидаги иқтисодий жараёнларни бошқариш вазифаси мураккаб-лашиб боради, бу эса давлат ролининг ортишига, бинобарин, халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг миллий иқтисодиётни ҳам, жаҳон хўжалигини ҳам ривожлантириш соҳасидаги имкониятларининг кенгайишига олиб келади.

Давлат бошқа давлатларга мансуб фуқаролар ва юридик шахслар билан халқаро аҳамиятга молик хўжалик муносабатларига бевосита киришиши (қўшма корхоналар тузиши, концессия битимлари ёки фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш соҳасида маҳсулотни бўлиб олиш тўғрисида битимлар тузиши) мумкин. Бундай муносабатлар хусусий-ҳуқуқий муносабатлар таркибига киради ва миллий ҳуқуқ билан тартибга солинади. Шунга қарамай, мазкур муносабатларнинг тартибга солиниши ва унда давлатнинг иштирок этиши натижасида у ўзига хос хусусият касб этиб боради. Яъни давлат, унинг мулки, унинг иштирокидаги битимлар чет давлат юрисдикциясига нисбатан иммунитетга эга бўлади. Шу иммунитет туфайли, давлат чет эл судига унинг розилигисиз жавобгар сифатида жалб қилиниши мумкин эмас; давлат ва унинг мулкига нисбатан даъвои дастлабки таъминлаш ва чет эл судининг қарорини ижро этиш бўйича мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин эмас; давлат иштирокидаги битимлар, агар давлатлар бошқача қоида ҳақида келишиб олмаган бўлсалар, мазкур битимнинг тарафи бўлган давлат ҳуқуқига бўйсунити зарур бўлади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар аҳамиятининг ошиши ва мураккаблашуви уларни давлатларнинг саъй-ҳаракатлари билан халқаро ташкилотлар орқали бошқаришни кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Бу эса халқаро ташкилотлар сонининг кўпайишига ва давлатлараро иқти-

содий ҳамкорликнинг ривожланишида ушбу ташкилотлар ролининг ошишига олиб келади. Натижада халқаро ташкилотлар халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг муҳим субъектларига айланмоқда. Халқаро иқтисодий ташкилотлар билан бошқа халқаро ташкилотларнинг принципал негизи бирдир. Айни вақтда, улар айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Бу соҳада давлатлар ташкилотларга кенгроқ тартибга солиш функцияларини беришга мойилдирлар. Иқтисодий ташкилотларнинг резолюциялари ҳуқуқ нормаларини тўлдиришда муҳим ўрин тутди. Мазкур резолюциялар ўзгараётган шароитларга мослаштириб борилади, ҳаттоки ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмаган жойларда уларнинг вазифасини бажаради. Айрим ташкилотларда қабул қилинган қарорларни амалга оширишнинг қатъий механизмлари мавжуд.

Иқтисодий муносабатлар соҳасида иш олиб боровчи халқаро ташкилотларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга ўз фаолияти билан бутун иқтисодий муносабатлар соҳасини қамраб оладиган ташкилотлар киради; иккинчи гуруҳга халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг фақат муайян тармоқлари (масалан, савдо, молия, инвестицион, транспорт каби тармоқлар) доирасида фаолият олиб боровчи ташкилотлар киради.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъекти” тушунчаси нимани англатади?
2. Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъекти ролида иштирок эта оладими?
3. Халқаро ташкилотлар халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш соҳасида қай тарзда иштирок этади?

4. Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштироки қандай амалга оширилади?

Адабиётлар

1. Авдокушин Е.Ф. Свободные экономические зоны. -М., 1993.
2. Бункина М.К. Национальная экономика. -М., 1997.
3. Богатырев А.Г. Инвестиционное право. -М., 1992.
4. Бордунов В.Д. Правовой механизм деятельности международных авиационных организаций. -М., 1989.
5. Ерохин А.Н. Проблемы создания совместных транснациональных объединений и финансово-промышленных групп в СНГ. / МЖМП. 1995. № 3.
6. Игнатов В., Бутов В. Свободные экономические зоны. М., 1997.
7. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава Международное экономическое право) – Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004.
8. Рахимова М. Законодательство об иностранных инвестициях. Вестник СПС, спец. выпуск, №12 2002.
9. Рахимова М. Правовые аспекты международных экономических формирований. Хозяйство и право. №12 2002.
10. Почкаева М.В. Международно-правовые проблемы интегрирования Российской Федерации в международную торговую систему. -М., ВАВТ, 1995.
11. Панов В.П. Международное уголовное право. -М., 1997.
12. Ушаков Н.А. Государство в системе международно-правового регулирования. -М., 1997.
13. Ушаков Н.А. Юридические иммунитеты государств и их собственности. -М., 1993.
14. Филатов В.П. ИНТЕРПОЛ – международная организация криминальной полиции. / МЖМП, 1997. №3. с. 34-41.
15. Хлестов О.Н. Международно-правовые проблемы окружающей среды. / МЖМП. 1996. №4. с. 149-155.
16. Шумилов В.М. Международное экономическое право. -М., 1999.

6. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ТАШКИЛОТЛАР

Иқтисодий аҳамиятга молик илк халқаро ташкилотлар давлатларнинг кўп йиллик иқтисодий ҳамкорлиги жараёнида XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келди. Савдо муносабатларининг ривожланиши иқтисодий аҳамиятга молик халқаро ташкилотлар, хусусан, савдо уюшмаларининг вужудга келишига тўртки берди. XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб халқаро ташкилотлар тузиш мақсадида дипломатик конгресслар ва халқаро конференциялар чақирила бошланди. Улар транспорт, алоқа ва саноат мулкани ҳимоя қилиш соҳаларидаги ҳамкорлик масалаларини қамраб олди. Шу тариқа 1864 йилда Ер ўлчаш халқаро уюшмаси, 1865 йилда Жаҳон телеграф уюшмаси, 1875 йилда Халқаро ўлчов ва оғирликлар бюроси, Саноат мулкани қўриқлаш халқаро уюшмаси кабилар вужудга келди. 1919 йили Парижда халқаро аҳамиятга молик биринчи универсал ташкилот – Миллатлар Лигаси тузилди. Миллатлар Лигасининг асосий мақсади тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва ушбу ташкилот аъзолари ўртасида иқтисодий муносабатларни амалга оширишга қўмаклашишдан иборат эди.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг халқаро иқтисодий ташкилотлар тузиш жараёни янада жадаллашди. 1945 йилда БМТ ташкил топиши билан иқтисодий йўналишдаги халқаро ташкилотларнинг ривожланиши кенгайди. Бундан ташқари, фан-техника тараққиёти, мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ва глобаллашув жараёнлари ҳам халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига тўртки берди.

Халқаро иқтисодий ташкилот – муайян иқтисодий вазифаларни бажариш учун халқаро шартнома асосида тузилган бўлиб, у халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида

халқаро ҳуқуққа мувофиқ таъсис этилган давлатлар бирлашмаси ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар таснифи. Халқаро иқтисодий ташкилотлар турли белгиларига кўра таснифланиши мумкин.

Аъзолик хусусиятига кўра, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва халқаро ноҳукумат ташкилотлари бири-биридан фарқ қилади. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга давлатлар, халқаро ноҳукумат ташкилотларига эса – давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахслари аъзо бўлади.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар доимий ва муваққат бўлади. Доимий ишлайдиган халқаро иқтисодий ташкилотларга ташкилотлар, лигалар, иттифоқ ва уюшмалар кабилар, муваққат халқаро иқтисодий ташкилотларга эса – халқаро конференциялар, конгресс ҳамда форумлар киради.

Ваколатлари ҳажми ва муҳокама қиладиган масалалари доирасига кўра, халқаро иқтисодий ташкилотлар умумий ва махсус ваколатли ташкилотларга бўлинади. Умумий ваколатли ташкилотларнинг ваколат доираси ниҳоятда кенг бўлиб, унда турли-туман иқтисодий масалалар бўйича давлатлар фаолияти мувофиқлаштирилади. Махсус ташкилотларнинг ваколат доираси эса анча тор бўлиб, унда фақат муайян бир масала бўйича давлатлар фаолияти мувофиқлаштирилади.

Ҳудудий жиҳатдан халқаро иқтисодий ташкилотлар универсал ва минтақавий бўлади. Универсал халқаро иқтисодий ташкилотлар жаҳоннинг деярли барча мамлакатларини ёки катта қисмини бирлаштиради. Минтақавий иқтисодий ташкилотга эса, қоида тариқасида, бир жўғрофий ҳудудда жойлашган давлатларгина аъзо бўлади.

Қабул қилиш тартибига кўра, очиқ ва ёпиқ халқаро

иқтисодий ташкилотлар бир-биридан фарқланади. Очик ташкилотларда аъзолик давлатнинг ушбу ташкилотга аъзо бўлишга тайёрлиги ва хоҳиш-истагига, ёпиқ ташкилотларда эса ташкилот аъзоларининг қарорига боғлиқ равишда амалга оширилади.

Ва ниҳоят, иқтисодиёт тармоқларига қараб, халқаро иқтисодий ташкилотлар иқтисодиёт ва саноат соҳасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи, транспорт, халқаро валюта-молия, жаҳон савдоси ва тадбиркорлик фаолияти масалалари бўйича халқаро ташкилотларга бўлинади.

Халқаро иқтисодий ташкилотларни ташкил этиш тартиби ва уларнинг тузилиши. Халқаро иқтисодий ташкилотларни тузиш турларидан бири давлатларнинг ташкилот тузиш бўйича хоҳиш-иродасини мувофиқлаштиришдан иборатдир. Бу хоҳиш-ирода халқаро шартномаларда юридик жиҳатдан мустақкамлаб қўйилади. Халқаро иқтисодий ташкилотлар тузишнинг бошқа бир усули – мавжуд ташкилот қарори бўлиб ҳисобланади. Халқаро шартнома тузиш халқаро иқтисодий ташкилот тузишнинг энг кенг тарқалган усулидир. Халқаро иқтисодий ташкилотлар асосан шартнома матнини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун халқаро конференция чақирилиши натижасида тузилади. Бундай ҳужжат статут, устав, конвенция ва бошқача тарзда номланиши мумкин.

Халқаро иқтисодий ташкилотларни тузиш тартиби қуйидаги босқичлардан иборат:

- давлатларнинг дипломатик миссияларини чақириш;
- таъсис ҳужжатини қабул қилиш;
- ташкилот тузилмасини шакллантириш;
- бош органини чақириш.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг олий, ижро этувчи, маъмурий, ёрдамчи, арбитраж ва суд органлари бир-биридан фарқ қилади.

Олий органлар халқаро иқтисодий ташкилотнинг барча

аъзолари вакилларидан ташкил топади. Улар ташкилот фаолиятининг энг муҳим масалалари бўйича узил-кесил қарорлар қабул қилади. Ижро этувчи органлар олий органларнинг сессияларида қабул қилинган қарорларни ижро этиш учун тузилади. Улар оператив кўринишдаги қарорларни қабул қилишга ҳақли. Маъмурий органлар ташкилотнинг мансабдор шахслари, мутахассислари ва хизмат кўрсатувчи ходимларидан ташкил топади. Маъмурий органлар ходимлари фақат ташкилот олдидагина жавобгар бўлади. Турли қўмита ва комиссиялар халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ёрдамчи органлари ҳисобланади. Бундай органлар ижро этувчи ва олий органлар томонидан ташкилотнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида тузилади.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг функциялари. Халқаро иқтисодий ташкилотнинг асосий функцияси — саноат, транспорт, валюта-молия, жаҳон савдоси ва интеллектуал мулк, инвестициялар ва халқаро тижорат соҳаларидаги ҳамкорликни таъминлашдан иборат.

Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг функциялари га қуйидагилар киради:

- халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим муаммоларини ўрганиш ва бу борада чора-тадбирлар кўриш;

- валюталар барқарорлигини таъминлаш;

- савдо соҳасидаги тўсиқларни баргараф этиш ва давлатлар ўртасида кенг товар алмашинувига кўмаклашиш;

- иқтисодий тараққиётга ёрдам бериш учун маблағлар ажратиш;

- меҳнат шароитларини яхшилашни рағбатлантириш;

- халқаро иқтисодий ҳуқуқ нормаларини қабул қилиш ва ҳ.к.

Такрорлаш учун саволлар

1. БМТ ва уни ихтисослашган ташкилотларининг халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришдаги роли қандай?
2. Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий муносабатлардаги иштироки қандай?
3. Халқаро ташкилотлар халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш соҳасида қай тарзда иштирок этади?

Адабиётлар

1. Броунли Я. Международное право. Книга 1. -М., 1997.
2. Даниленко Г.Н. Обычай в современном международном праве. -М., 1988.
3. Карташкин В.А. Права человека в международном и внутригосударственном праве. -М., 1995.
4. Концепция основных прав и обязанностей на рубеже веков. (Колл. Авт.) / МЖМП, 1996, №4.
5. Лукашук И.И. Нормы международного права. Общая часть. -М., 1997.
6. Лукашук И.И. Обычные нормы современного международного права. / МЖМП, 1994. №2
7. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава Международное экономическое право) – Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004.
8. Рахимова М. Плюсы и минусы процесса глобализации. Хозяйство и право. №5 2003.
9. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528-б.
10. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. -Т., “Адолат”, 2001, 220-б.
11. Тиунов О.И. Принцип соблюдения международных обязательств. -М., 1979.
12. Хакимов Р.Т. Узбекистан и ООН. 1995.
13. Хакимов Т.Т. Международно-правовые вопросы при-

знания и правопреемства Республики Узбекистан. -Т., 1997.

14. Шумилов В.М. Международное экономическое право. -М., ДеКА, 1999
15. Черниченко С.В. Теория международного права. В двух томах. -М., НИМН, 1999, 334 стр.

7. ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Давлатлар ҳамда халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши натижасида дунё ва минтақа миқёсида давлатлараро ва нодавлат ташкилотлари тизими вужудга келди. Бу ташкилотлар орасида БМТ асосий ўринни эгаллайди.

Дунё миқёсидаги муаммоларнинг вужудга келиши ва кескинлашуви кўп тарафлама ҳамкорликни кучайтиришни тақозо этди ва унинг доираси кенгайишига сабаб бўлди. Булар савдо масалалари, божхона қоидалари, экологик муаммолар, умумий муомаладаги ресурслардан биргаликда фойдаланиш, коммуникация тармоқларини ривожлантириш ва ҳоказо. Дунё миқёсида бундай кўп тарафлама ва кенг ҳамкорликни фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти орқалигина амалга ошириш мумкин.

БМТ халқаро ташкилот сифатида 1945 йилда 24 октябрдан – БМТ Устави қабул қилинган кундан фаолият юрита бошлади. Ташкилотни тузиш тўғрисидаги шартномага дастлаб 51 давлат имзо чеккан бўлса, бугунги кунда БМТга аъзо давлатлар сони 193 тага етди.

БМТ аъзолари сонига кўра ҳам, фаолият мақсадлари жиҳатидан ҳам универсал ташкилот бўлиб, унинг асосий вазифаси тинчликни сақлаш, миллатлар орасида дўстона муносабатларни ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий, маданий, гуманитар муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорликка кўмаклашишдан иборат.

БМТ доирасидаги халқаро иқтисодий ҳамкорлик унинг турли муассасалари томонидан амалга оширилади. Масалан, саноатни ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик асосан ЮНИДО – БМТнинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти доирасида амалга оширилади. 1979 йил 8 апрелда қабул қилинган БМТнинг саноатни ривожлантириш бўйича Уставининг 1-моддасига биноан, ЮНИДО фаолиятининг асосий мақсади “...янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатишда ёрдам бериш мақсадида ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг ривожланишига кўмаклашиш ва уни жадаллаштиришдан иборат”. Чунончи:

- ишлаб чиқариш ва технологияларни ривожлантириш;
- инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
- саноатни ривожлантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
- саноатдаги инвестициялар ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни амалга ошириш.

Ташкилот дунё, минтақа ва миллий миқёсда саноатнинг ривожланишига ва ҳамкорликка кўмаклашади. Бу мақсадга эришиш учун, БМТнинг саноатни ривожлантириш бўйича Уставининг 2-моддасига биноан, ЮНИДО “...ривожланган мамлакатларга уларнинг саноатлашиши, ривожланиши ва жадаллашишида, хусусан, саноат тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишда ёрдам беради”.

БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) билан ҳамкорлик давлатлар билан БМТ органлари ўртасидаги ҳамкорликка мисол бўлади. Бу Комиссия БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йилда ЮНКТАД билан алоқа ўрнатиш ва яқин ҳамкорлик қилиш учун тузилган. БМТ Бош Ассамблеяси 1966 йил

17 декабрда қабул қилган 2205 (XXI) резолюциясига би-
ноан ЮНСИТРАЛнинг мақсади “халқаро савдо ҳуқуқини
мувофиқлаштириш ва бир хиллаштиришга кўмакла-
шиш”дан иборат.

ЮНСИТРАЛ БМТ тизимида халқаро ҳуқуқ соҳаси-
даги юридик органдир. У ҳар йили ўз сессияларига йиғи-
лади. Бу сессиялар БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида
ёки Венадаги Халқаро марказда ўтказилади.

БМТнинг ёрдамчи органлари билан давлатларнинг
иқтисодий ҳамкорлигини БМТнинг савдо ва тараққиёт
бўйича Конференцияси (ЮНКТАД) мисолида ҳам кўриш
мумкин. БМТ Бош Ассамблеяси 1964 йилда 30 декабрда
қабул қилган (XIX) резолюцияга мувофиқ, “Конферен-
ция ўзининг асосий вазифалари сифатида:

а) халқаро савдони, айниқса, иқтисодий тараққиётни
жадаллаштириш мақсадида, хусусан, ривожланиш да-
ражаси ҳар хил бўлган, ривожланаётган, шунингдек,
турли ижтимоий ва иқтисодий тизимга мансуб мамла-
катлар ўртасида савдо-сотиқни мавжуд халқаро ташки-
лотлар олиб бораётган фаолиятни ҳисобга олган ҳолда
рағбатлантиради;

б) халқаро савдога ва иқтисодий ривожланишнинг
тегишли муаммоларига доир тамойиллар ва сиёсатни
белгилайди;

в) кўрсатилган тамойиллар ва сиёсатни амалга оши-
риш учун ўз ваколатлари доирасида таклифлар ишлаб
чиқади;

г) БМТ тизими доирасида бошқа муассасаларнинг
халқаро савдо соҳасидаги фаолиятини мувофиқлашти-
ришга кўмаклашади ва БМТ Бош Ассамблеяси ва
ЭКОСОС билан халқаро савдо ва иқтисодий та-
раққиёт муаммолари бўйича ҳамкорлик қилади;

д) ҳукуматлар ва минтақавий иқтисодий гуруҳлар-

нинг савдо ва у билан боғлиқ тараққиёт соҳасидаги сиёсатини мувофиқлаштириш маркази бўлиб хизмат қилади”.

“БМТнинг иқтисодиёт соҳасидаги аппаратининг бир қисми сифатида” тузилган Савдо ва тараққиёт бўйича кенгаши ЮНКТАДнинг олий органи ҳисобланади.

БМТ Бош Ассамблеяси 1994 йил 19 декабрдаги 49/102 сонли резолюциясига биноан ЮНКТАДга Марказий Осиёнинг денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган янги мустақил давлатларида ва қўшни транзит мамлакатларда транзит юк ташишнинг самарадорлигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ берди. ЮНКТАДга бу ишни БМТнинг тегишли минтақавий комиссиялари, чунончи, БМТ ЕЭК ва БМТ ЭСКАТО, шунингдек, бошқа органлар билан ҳамкорликда олиб бориш таклиф қилинди.

Шу муносабат билан 1995 йил ЮНКТАД ва БМТ Тараққиёт дастури транзит харажатларини камайтиришга қаратилган Марказий Осиёда “Ташқи савдо ва транзит юк ташиш бўйича ташаббус” дастурини амалга ошира бошлади. ЮНКТАД БМТ Тараққиёт дастури ёрдамида 1997 йил 15-30 сентябрь кунлари Марказий Осиёнинг беш республикасида транзит юк ташиш ва шу мамлакатлар ҳудуди орқали транзит йўллари ўтувчи бошқа қўшни мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ бўйича кенг миқёсда музокараларни тайёрлаш юзасидан миллий семинарлар ўтказди.

Давлатларнинг дунё миқёсидаги ҳамкорлигига бошқа бир мисол – Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бўлиб, у дунё миқёсидаги иқтисодий муаммолар билан шуғулланади. Қўллаб-даватлар, жумладан, савдо-сотиқ билан шуғулланадиган мамлакатларнинг аксарияти ЖСТ тизимига аъзо бўлган. Лекин айрим мамлакатлар бу таш-

килотга аъзо эмаслиги туфайли тизимни тавсифлаш учун “дунё миқёсидаги” сўзининг ўрнига “кўп тарафлама” сўзи қўлланади.

ЖСТга нисбатан бу сўз муҳим қўшимча маъно касб этади. Бу ерда “кўп тарафлама” атамаси деярли бутун дунё миқёсидаги (хусусан, ЖСТнинг барча аъзолари ўртасидаги) фаолиятга тегишли бўлиб, у мамлакатларнинг минтақа миқёсида ёки уларнинг кичик гуруҳлари амалга оширадиган фаолиятга қарши қўйилади.

Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ЖСТ кўп тарафлама ташкилот сифатида тарифларни пасайтириш, хизматлар савдосини ривожлантириш, аъзо мамлакатлар ўртасида халқаро савдода айланаётган товарлар, хизматлар ва маҳсулотларга нисбатан амал қиладиган қоидаларни тартибга солиш ва уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Фаолияти соф иқтисодий хусусиятга эга бўлган халқаро ташкилотлардан ташқари, дунё миқёсида фаолият юритадиган бошқа халқаро ташкилотлар ҳам борки, уларнинг иштирокисиз савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳон божхона ташкилоти ана шундай ташкилотлардан биридир. Унинг асосий мақсади - аъзо давлатларнинг божхона иши соҳасидаги ҳуқуқий базасини халқаро конвенциялар ва бошқа халқаро нормалар бўйича яратиш ва тартибга солишдан иборат.

Жаҳон хўжалик алоқалари кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда дунё миқёсидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликка яна бир мисол тариқасида Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) доирасидаги давлатлараро ҳамкорликни келтириш мумкин.

ЖИМТ 1967 йил 14 июлда Стокгольмда имзоланган Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этувчи

Конвенцияга биноан тузилган бўлиб, ушбу Конвенция 1970 йилда кучга кирган. Лекин ЖИМТга 1883 ва 1886 йилларда қабул қилинган Саноат мулкни кўриқлаш бўйича Париж конвенцияси ҳамда адабий ва бадиий асарларни кўриқлаш тўғрисидаги Берн конвенцияси билан асос солинган эди. Бу конвенцияларнинг ҳар бирида “Халқаро бюро” деб номланган котибият тузиш назарда тутилган эди 1893 йилда бу котибиятлар бирлаштирилди. Бирлашган котибият турли номларда фаолият олиб борди. Сўнгги номи – Интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича бирлашган халқаро бюро ёки ВИРПИ (француз тилидаги қисқартирилган номи). 1974 йилда ЖИМТ БМТнинг ихтисослашган муассасаси мақомини олди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Европа Иттифоқининг асосий мақсадлари нимада?
2. Халқаро иқтисодий муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш асосини нима ташкил этади?
3. Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш соҳасида қандай халқаро ҳуқуқий шакллар мавжуд?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., “Ўзбекистон”, 1993.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси 2000 йил 26 май қонуни (янги таҳрири) // “Ҳуқуқ” юридик информация тизими. 2002 йил.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. -Т., “Ўзбекистон”, 1993.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т., “Ўзбекистон”, 1993.
5. Вознесенская Н.Н. Совместные предприятия как форма

международного экономического сотрудничества. М., 1989.

6. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава Международное экономическое право) –Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004.
7. Рахманкулов Х. Правовые основы преобразования экономики в демократическом обществе. В кн. Демократия и право. –Т., 1995, с.91-94.

8. МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Давлатлар халқаро иқтисодий ҳамкорлигининг яна бир муҳим соҳаси бу халқаро минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликдир. Ҳозирги замон адабиётларида “минтақа” атамаси хар хил талқин қилинади. Айрим муаллифларнинг фикрича, раҳбарияти ўз ҳудуди аҳолисининг яшаш шароитлари – энергия ва сув таъминоти, алоқа, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой-коммунал хўжалиги кабилар учун жавоб берувчи муайян маъмурий-ҳудудий бирлик (вилоят, округ ва унитар давлат ёки федерациянинг бошқа субъектлари) шундай деб аталади. Бошқа олимларнинг фикрига кўра, “минтақа” — умумий табиий-иқлимий шароит, ишлаб чиқариш ихтисослиги ва транспорт инфратузилмаси билан боғланган маъмурий бирликлар мажмуидан иборат бўлган иқтисодий-географик ҳудуд, масалан, Фарғона водийси, Узоқ Шарқ ва ҳоказо.

Ниҳоят, дунё миқёсида жаҳон иқтисодиётида минтақа – умумий тарихий анъаналарга ва ўзаро боғланган иқтисодиётга эга бир неча қўшни давлатлар мажмуи сифатида талқин этилади. Бундай суперрегионларга Шимоллий Америка, Осиё-Тинч океани минтақаси, Марказий Осиё ва бошқалар киради.

Минтақавий уюшмаларнинг вужудга келишига XX асрнинг 50-йилларида ривожланган божхона уюшмалари тўғрисидаги концепция туртки бўлди. Савдо-сотиқни ривожлантириш ушбу концепциянинг ўзагини ташкил этади. Бунда ҳамкор давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантиришда тарафларнинг ҳуқуқларини камситадиган алоҳида қоидалар белгиланмаслиги назарда тутилган. Кўпгина олимларнинг фикрича, XXI аср чегарасида давлатлар иқтисодиёти минтақавийлашув жараёни кучайиб бораётир.

Бунда ҳамкорликнинг уч тури фарқланади.

Ушбу концепцияга мувофиқ, иқтисодий тараққиётнинг бир босқичидаги мамлакатлар ўртасида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин. Бу ўринда асосан бозорга ихтисослашиш, технологиялар алмашиш, меҳнат воситаларини сафарбар қилиш орқали ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш тўғрисида сўз юритилмоқда. Сиёсий тизими ва иқтисодий тараққиёт даражаси бир хил бўлган минтақаларда (масалан, Европа Иттифоқи) ҳаётнинг барча соҳаларида ҳамкорликни кучайтириш учун ягона давлатлараро органлар ташкил этилган. Хусусан, ЕИ Шимолий Африка, Шарқий Европанинг бир қанча мамлакатлари билан бож имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар тўғрисида махсус битимлар тузган. Айни вақтда, ишчи кучининг эркин миграциясига, рақобатбардош товарлар квотадан ортиқ миқдорда олиб кирилишига йўл қўйилмайди.

Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ривожланиш даражаси ҳар хил бўлган мамлакатлар ўртасида ҳам амалга оширилиши мумкин, лекин бунда технологик тараққиёт даражасидаги тафовут ҳамкорликни анча қийинлаштиради, боз устига, ҳамкорлик натижаларининг самарадорлик даражаси ҳам паст бўлади. Давлат-

лар ҳамжамиятининг мазкур типига АСЕАН, НАФТА мисол бўлиши мумкин. Ушбу турга мансуб давлатларнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги эркин савдо зоналари тузиш ва капиталлар ҳаракати билангина чекланади. Улар молия сиёсатини мувофиқлаштиради, лекин давлатлараро бошқарув органлари тузмайди.

Учинчи тур – асосан ривожланаётган мамлакатлар масалан, МЕРКОСУР гуруҳида (Аргентина, Бразилия, Уругвай ва Парагвай) ўзаро савдо-сотиқ ҳажми 1993-1997 йилларда 4 миллиарддан 14 млрд. долларга кўпайди.

1950 йилдан бошлаб жаҳон аҳли минтақавий ҳамкорликнинг икки асосий тўлқинига гувоҳ бўлди.

Биринчи тўлқин 60-йилларда бошланиб, 70-йилларнинг охиригача давом этди. 1958 йилда Европа Ҳамжамияти вужудга келиши билан минтақавий кооперация ғояси Африка, Лотин Америкасига ва дунёнинг бошқа қитъаларига тарқалди. Минтақавий кооперация даромадларни тақсимлаш ва иштирокчи давлатлар кўрган зарарларни ҳисоблаш, импорт ва экспорт билан боғлиқ муаммоларга дуч келди. Ушбу муаммолар савдонинг ривожланишига монелик қиладиган омил бўлган эди.

Минтақавий кооперациянинг иккинчи тўлқини 80-йилларнинг ўрталарида бошланди. Бунга Ягона Европа ҳужжатининг қабул қилиниши, минтақавий уюшмалар доирасида савдо муносабатларининг ривожланиши туртки берди. Шу даврда, масалан, Австралия ва Янги Зеландия мамлакатлари ўртасидаги мавжуд барча тариф ва квоталар бир неча йилга бекор қилинди. Африка бирлиги ташкилоти эса қитъа умумий бозорини ташкил этиш режасини эълон қилди. Кейинчалик Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай ҳам умумий бозорга бирлашди.

Иқтисодий минтақавийлаштиришнинг биринчи ва ик-

кинчи тўлқинлари ўртасида бир қанча фарқ мавжуд. Бир томондан, бу борадаги ҳаракатларнинг барчаси бозорга қараб мўлжал олган стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилди. Бу ўринда шахсий таъаббус ҳаракатлантирувчи куч бўлди. Бошқа томондан, ҳар бир давлат минтақавий бозорни ўзи импорт қилаётган товарлар билан таъминлаш мақсадини кўзлади. Минтақавийлашув жараёнининг кучайиши сўнгги ўн йилликларда савдо соҳасининг ислоҳ қилинишига – савдонинг эркинлаштирилишига олиб келди; минтақавий кооперацияда иштирок этаётган давлатлар ўртасида транспорт, коммуникациялар, технологиялар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Пировард натижада минтақавий кооперациянинг янги босқичи асосан ривожланаётган мамлакатлар қамраб олган биринчи тўлқинга нисбатан барча йўналишларда кучайиб борди. Шимол-Жануб йўналишидаги янги тўлқин эса технология каби соҳаларда савдо-сотиқ ва хизмат кўрсатишнинг ҳамкорлик уфқларини кенгайтirdи.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, минтақавий кооперация суръатлари маъмурий чора-тадбирлар ва ҳатто сиёсий қарорлар билан эмас, балки хўжалик юритувчи субъектларнинг амалдаги иқтисодий алоқалари билан белгиланади. Чет эллик кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, банклар фаолиятини мувофиқлаштириш, тўлов-ҳисоб-китоб ва суғурта тизимларининг ривожланиши, кредит, инвестицион, венчур, лизинг, селенг компаниялари ва бошқа муассасаларни ўз ичига олган замонавий банк инфратузилмасининг шаклланиши, капиталлар ҳаракати йўлидаги тўсиқларга барҳам бериш иқтисодий кооперациянинг халқаро маъмурий органлардан ҳам муҳимроқ негизини ташкил этади.

Халқаро минтақавий ҳамкорлик қуйидаги тамойилларга риоя қилинишини тақозо этади:

1) халқаро минтақавий ташкилотлар кўп сонли маъмурий тузилмаларга эга бўлмасликлари керак, чунки бу ерда олдиндан тасдиқланган тартиб-таомиллар механизмига асосланган бошқарув кўпроқ самара беради;

2) бошқарув тузилмаларининг шаклланиши, давлатлараро ва миллий органлар ўртасида ваколатларни тақсимлаш каби жараёнлар аста-секинлик билан амалга оширилиши лозим;

3) ҳамкорликнинг ривожланиши нафақат иқтисодий, балки сиёсий омиллар, чунончи, иштирокчи давлатлардаги ижтимоий муҳит ва аҳоли турмуш даражаси билан ҳам белгиланади. Сиёсий мантиқ кўпинча иқтисодий мантиқдан кучлироқ бўлиб чиқади. Масалан, ЕИ ҳанузгача миллий фермерлар ташкилотларининг талабларини бажаришга ва озиқ-овқат бозорини тартибга солишнинг нобозор усулларини (субсидия билан қопланадиган нархлар, импортга квоталар ва ҳ.к.) қўллашга мажбур бўлаётир;

4) иқтисодий ҳамжамият аъзолари умумий бозорда бошқа давлатлар олдида реал устунликка эга бўлишлари лозим.

Юқоридаги ва яна бошқа тамойилларга риоя қилинган ҳолда, минтақавий ҳамкорлик икки тарафлама (Австралия – Янги Зеландия, АҚШ – Канада), уч тарафлама (НАФТА, ЕЭП) ва кўп тарафлама (АСЕАН, ЕИ, Лотин Америкаси ва Кариб ҳамжамиятлари) асосда амалга оширилиши мумкин.

Табиийки, минтақа доирасидаги ҳамкорликнинг фақат муайян ташкилотлар, хусусан, халқаро регионал ташкилотлар орқали амалга оширилиши юқори самара бериши мумкин.

Халқаро минтақавий ташкилотлар барча халқаро ташкилотлар сингари халқаро шартномалар асосида тузилади. Уларнинг институционал тузилиши, вазибалари шу халқаро шартномалар билан белгиланади. Ўз ҳуқуқий ҳолати ва институционал тузилмасига кўра, улар юқорида зикр этилган халқаро ташкилотларни эслатади, лекин улардан барча фаолият соҳалари, чунончи, иқтисодиёт, сиёсат, муҳофаза каби минтақавий аҳамиятга молик муаммолар билан шуғулланиши билан фарқ қилади.

Халқаро минтақавий ташкилотлар ер куррасининг деярли барча нуқталарида фаолият олиб боради. Лекин уларнинг барчаси кўпгина кўрсаткичларига кўра бир-биридан фарқ қилади: улар қабул қиладиган ҳужжатлар ташкилотнинг барча аъзолари учун мажбурийдир, ҳужжатлари тавсия хусусиятига эга бўлган ташкилотлар ҳам бор; айрим ташкилотлар минтақада муҳим роль ўйнаса, бошқалари фақат қозғалдиҳина мавжуддир.

Халқаро минтақавий ташкилотлар нафақат ташкилот топган санасига кўра (масалан, уларнинг энг ёши улуғи – Америка давлатлари ташкилотлари (АДТ) 1948 йилда таъсис этилган), балки ташкилотга аъзолик тартиби жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқланади (масалан, АДТ Уставига жиддий ўзгартиришлар киритган 1988 йилда Картаген Баённомаси кучга кирганидан сўнг АДТга аъзо бошқа мамлакатларга ҳудудий эътирозлари бўлган АДТ давлатлари ташкилот таркибидан чиқарилади; Африка бирлик ташкилотига бу қитъадаги минтақавий мустақил давлат аъзо бўлиши мумкин).

Халқаро минтақавий ташкилотларнинг умумий жиҳати шундан иборатки, уларнинг барчаси фақат бир мақсадда – минтақада ҳаётнинг турли жабҳаларида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилади.

Шу ўринда муҳим минтақавий бирлашмаларни санаб ўтиш лозим деб ўйлаймиз, Эркин савдо тўғрисидаги Шимолий Америка битими (НАФТА), Европа эркин савдо уюшмаси (ЕЭСУ), Европа Иттифоқи (ЕИ), Осиё-Тинч океани иқтисодий уюшмаси, МЕРКОСУР, Жанубий Африка тараққиёт қўмитаси, Фарбий Африка иқтисодий ва валюта уюшмаси, Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик уюшмаси, Анд пакти, АСЕАН.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ташкилотлар халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солишда қандай ўрин тутади?
2. Иқтисодиёт соҳасидаги халқаро ташкилотлар тизими қандай кўринишга эга?
3. Халқаро ва минтақавий миқёсда қандай иқтисодий ташкилотлар фаолият олиб боради? Ўзбекистон Республикаси уларнинг қайсилари билан ҳамкорлик қилади?
4. Иқтисодиёт соҳасидаги халқаро ташкилотлар тизими қандай кўринишга эга?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., “Ўзбекистон”, 1993.
2. “Концессиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 август қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 11-сон. -Т., “Адолат”, 1996 йил.
3. “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрель қонуни // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 13-сон. Т., “Адолат”, 1996 йил.
4. “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Рес-

- публикасининг 1998 йил 30 апрель қонуни / “Халқ сўзи”, 1998 йил 20 май.
5. “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрель қонуни / “Халқ сўзи”, 1998 йил 21 май.
 6. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”-ги (янги таҳрири) қонуни // “Хўжалик ва ҳуқуқ”, 1998 йил, 12 сон, 1999 йил 1- сон.
 7. “Инвестиция фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрь қонуни // “Хўжалик ва ҳуқуқ”, 1999 й, 3-сон.
 8. “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрель қонуни / “Халқ сўзи”. 1999 йил 29 апрель.
 9. Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 май қонуни (янги таҳрири) // “Ҳуқуқ” юридик информация тизими. 2002 йил.
 10. “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрь Фармони, 1998 йил 27 март ўзгартиришлар билан/ “Халқ сўзи” 1998 йил 28 март.
 11. “Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни бекор қилиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июль 336-сонли қарори / “Халқ сўзи”. 1997 йил 3 июль.
 12. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари -Т., “Ўзбекистон”, 1993.
 13. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т., “Ўзбекистон”, 1993.

14. Лукашук И.И. Обычные нормы современного международного права. / МЖМП, 1994. №2.
15. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528 б.
16. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. -Т., "Адолат", 2001, 220 б.
17. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава "Международное экономическое право) -Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004.
18. Тиунов О.И. Принцип соблюдения международных обязательств. -М., 1979.
19. Ушаков Н.А. Международное право, основные понятия и термины. -М., 1996.

9. ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАР

Бугунги кунда миллий адабиётда, (айниқса, Фарб адабиётда) *трансмиллий корпорацияларнинг (ТМК)* халқаро ҳуқуқ субъектчилиги масаласи кенг муҳокама қилинмоқда. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан бир қаторда, ТМКга ҳам кўпинча халқаро иқтисодий ҳуқуқ субъекти сифатида қаралмоқда. Бошқача айтганда, ТМК миллий иқтисодиётга ва жаҳон иқтисодиётига тобора кучлироқ таъсир кўрсатаётган халқаро иқтисодий алоқаларнинг муҳим субъектига айланиб бормоқда.

Дарҳақиқат, ТМК инвестицион салоҳияти, кенг алоқалар тизими, илғор технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги катта имкониятлари билан жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Улар капитал олиб кириш, технологиялар тақдим этиш, янги корxonалар тузиш, маҳаллий персонални ўқитиб-ўргатиш орқали қабул қилаётган мамлакатнинг миллий иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатишга қодир. Умуман олганда, ТМК давлатлардан самаралироқ тузилиши билан фарқ қилади ва шу боис иқтисодий муаммоларни кўпинча давлат-

ларга қараганда муваффақиятлироқ ҳал қилади. Тўғри, ТМҚ ҳам муайян камчиликлардан холи эмас. Кўп сонли фактлар ТМҚ қабул қилаётган мамлакатлар ҳудудида экологик жиҳатдан зарарли ишлаб чиқаришларни жойлаштираётгани, солиқ тўлашдан бўйин товлаётгани, товарлар олиб кириш орқали миллий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётганини кўрсатади. Боз устига, ТМҚ ўз иқтисодий қудратидан фойдаланиб, қабул қилаётган давлатнинг сиёсатига ҳам таъсир кўрсатишга қодир.

ТМҚнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар юридик жиҳатдан кўп сонли бўлгани ҳолда, иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан муштарак. Бу – турли давлатлар қонунларига кўра тузилган, мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган кўплаб мамлакатлар ҳудудида фаолият олиб борадиган, лекин бир-бири билан боғланган компаниялар гуруҳидир. Бунда мазкур компаниялардан бири (бош компания ёки ўта йирик трансмиллий корпорация) етакчи ҳисобланиб, қолган барча компаниялар устидан назорат олиб боради. Винобарин, ТМҚ – юридик эмас, балки иқтисодий ёки ҳатто сиёсий тушунча. Ягона тизимга бирлашган компаниялар ҳуқуқ субъектлари ҳисобланади. Компаниялар бирлашмаси ҳам ҳуқуқ субъекти бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда алоҳида компаниялар ҳам, уларнинг бирлашмалари ҳам халқаро ҳуқуқнинг эмас, балки миллий ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. ТМҚ халқаро ҳуқуқий субъектликка эгами?
2. ТМҚ билан тузилган шартномалар қандай характерга эга?

3. ТМК фаолияти бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг асосий ҳуқуқий актларини айтиб беринг.

Адабиётлар

1. Броунли Я. Международное право. Книга 1. -М., 1997.
2. Даниленко Г.Н. Обычай в современном международном праве. -М., 1988.
3. Лукашук И.И. Нормы международного права. Общая часть. -М., 1997.
4. Лукашук И.И. Обычные нормы современного международного права. / МЖМП, 1994. №2.
5. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528-б.
6. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. -Т., "Адолат", 2001, 220-б.
7. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава Международное экономическое право) -Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004г.
8. Тиунов О.И. Принцип соблюдения международных обязательств. -М., 1979.
9. Хакимов Р.Т. Узбекистан и ООН. 1995.
10. Хакимов Т.Т. Международно-правовые вопросы признания и правопреемства Республики Узбекистан. Т., 1997.
11. Шумилов В.М. Международное экономическое право. -М., ДеКА, 1999.
12. Черниченко С.В. Теория международного права. В двух томах. -М., НИМН, 1999, 334 стр.

10. ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ

Савдо-сотиқ алоқалари асрлар мобайнида халқаро иқтисодий муносабатларнинг бирдан-бир воситаси бўлиб келган. Ушбу муносабатлар савдогарлар томонидан амалга оширилиб, уларда давлатнинг роли кам бўлган. У асосан чет элликлар ва уларнинг мол-мулки мақомини белгилар эди. Норматив тартибга солиш асосан амалиётда таркиб топган ноҳуқуқий аҳамиятга молик одатлар ҳисобига амалга ошириларди. Улар савдо ҳуқуқининг ўзагини ташкил этарди. Мазкур одатлар ҳозирги даврда ҳам халқаро савдони тартибга солишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Уларнинг айримлари давлатлараро савдо ҳуқуқидан ўрин олган.

Иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги тизимида халқаро савдо асосий ўринни эгаллайди. Иқтисодий алоқаларнинг бошқа бир турлари савдо алоқаларига кўмаклашса (юк ташиш, суғурта, ҳисоб-китоблар), иккинчи бир турлари савдо унсурларини ўз ичига олади (илмий-техниквий ҳамкорлик, ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик). Турли-туман иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий негизини назарда тутадиган икки тарафлама шартномаларнинг анъанага кўра, савдо битимлари деб номланиши бежиз эмас.

10.1. Халқаро савдо ҳуқуқининг манбалари. *Савдо шартномалари* икки тарафлама асосда тузилган бўлиб, улар аҳдлашаётган давлатлар ўртасида савдо-сотиқнинг умумий ҳуқуқий асосини белгилайди. Савдо шартномалари турлича номланади, дўстлик, савдо ва денгизда кема қатнови тўғрисидаги шартнома, савдо-сотиқ ва навигация тўғрисидаги шартнома, савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва бошқалар. Қоида тариқасида, улар узоқ муддатга ёки муддатсиз тузилади. Улар қуйидаги масалаларни ҳал қилади: ҳар

бир аҳдлашаётган давлат томонидан савдо ва иқтисодий алоқаларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган субъектларни белгилайди; бож солиш, товарлар олиб кириш ва олиб чиқиш, товарларни транспортда ташиш, транзит, денгизда кема қатновига оид ҳуқуқий режимни белгилайди; бир тараф жисмоний ва юридик шахсларнинг бошқа бир тараф ҳудудидаги фаолиятининг ҳуқуқий режимини ҳам белгилаб беради. Бу ўринда кўпинча савдо муносабатлари ёки бошқа иқтисодий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳисоб-китобларнинг умумий тартиби назарда тутилади.

Савдо шартномаларини ривожлантириш асносида, баъзан уларнинг ўрнига савдо-сотик ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар тузилади. 1992 йилда Россия Федерацияси ва Миср ҳукуматлари ўртасида тузилган Савдо-сотик, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни бунга мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Товар обороти тўғрисидаги битимлар икки тарафлама асосда аҳдлашаётган давлатлар ўртасидаги товар оборотини ташкил этадиган товарлар контингентини белгилайди. Одатда, улар қисқа муддатга (6-12 ойга) тузилади. Бундай битимлар узоқ муддатга тузилган ҳолларда эса аҳдлашаётган тарафлар ҳар йили ўзаро товарлар етказиб бериш тўғрисида қўшимча баённомаларни имзолайди. Уларнинг асосий мазмуни – давлатларнинг келишилган товарлар контингенти доирасида товар олиб кириш ва олиб чиқишга лицензияларнинг монеликсиз берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз ичига олади. Баъзан улар нафақат товар обороти бўйича, балки транспортда ташиш, суғурта ва ҳ.к. билан боғлиқ қўшимча харажатлар бўйича ҳисоб-китоблар тартибини ҳам белгилайди (товар обороти ва тўловлар тўғрисидаги битимлар).

1947 йилда тузилган *Тарифлар ва савдо бўйича бош битим* (ГАТТ) халқаро савдо соҳасидаги асосий универсал ҳужжат бўлиб қолди. У савдони кўп тарафлама тартибга солишга ва халқаро савдо ҳуқуқига асос солди. Битимнинг асосий мақсади - ташқи савдони эркинлаштириш, бож тарифларини пасайтириш, импорт миқдорини чеклашдан воз кечиш, савдо соҳасидаги камситишларга барҳам беришдан иборат. Шунингдек битим мумкин қадар қулайлик яратиш, миллий режим, камситмаслик тўғрисидаги қоидаларни ҳам ўз ичига олади. ГАТТнинг вазифалари кейинчалик аста-секин кенгайиб борди ва у давлатларнинг асосий савдо бирлашмасига айланди. Бу ўзгаришлар 1994 йилда ГАТТ ўрнига Жаҳон савдо ташкилотини (ЖСТ) тузиш тўғрисидаги битимни имзолаш йўли билан юридик жиҳатдан расмийлаштирилди.

Халқаро товар битимлари ҳам савдо соҳасидаги кўп тарафлама битимлар бўлиб, улар минерал хом ашё ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини импорт ва экспорт қилувчи мамлакатлар ўртасида муайян муддатга, кўпинча беш йилга тузилади ва кейинчалик у қайта кўриб чиқилади. Давлатлар тегишли товар олди-сотдисига квоталар белгилаш йўли билан нарх-навонинг кескин ўзгаришини олдини олишга ҳаракат қилади. Рух, каучук, ғалла, какао, кофе, шакар қоби савдо-сотиқ маҳсулотлари бўйича шундай битимлар мавжуд. Айрим товар битимларини амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар, масалан, Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) тузилган.

10.2. Халқаро савдо ташкилотлари. *Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)* халқаро савдо ҳуқуқи тизимида асосий ўринни эгаллайди. У ГАТТ иштирокчиларининг охириги сессияси - Уругвай раундида тузилди. Ушбу сессия ишида 118 давлат иштирок этди. Сессия 7 йил давом этди ва халқаро савдонинг ўзига хос кодексини ташкил

этувчи Якунловчи ҳужжатни имзолаш билан якунланди. Ҳужжатнинг асосий матни 500 саҳифада баён этилган. Ҳужжат кўпгина соҳаларга доир битимлар мажмуини ўз ичига олади. Асосий битимлар, ЖСТни (ГАТТ ўрнига) тузиш тўғрисидаги битим, бож тарифлари, товарлар билан савдо қилиш, хизматлар билан савдо қилиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг савдо билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги битимлар шулар жумласидандир.

Ушбу битимларнинг ҳар бири бўйича бир қанча қўшимча битимлар тузилган. Масалан, товарлар билан савдо қилиш тўғрисидаги битим билан божхонада баҳолаш, савдодаги техник тўсиқлар, санитария ва фито-санитария чора-тадбирларини кўриш, импортга лицензиялар бериш таомили, субсидиялар, демпингга қарши чора-тадбирлар ва ҳ.к. тўғрисидаги битимларга боғлиқ.

Ҳужжатларнинг умумий мажмуига низоларни тартибга солиш таомили тўғрисидаги, иштирокчиларнинг савдо сиёсати устидан назорат олиб бориш таомили тўғрисидаги меморандум, ислоҳотлар озиқ-овқат импортига қарам бўлган ривожланаётган мамлакатларга салбий таъсир кўрсатган ҳолда ёрдам бериш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор ва бошқалар киради. Буларнинг барчаси ЖСТ фаолияти қамров доирасининг гоятда кенг эканидан далолат беради.

Иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш таомили, иштирокчиларнинг савдо сиёсати устидан назорат олиб бориш чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ЖСТ доирасида махсус орган – Савдо сиёсати бўйича қўмита тузилган бўлиб, унинг фаолияти Ташкилотга аъзо давлатлар савдо сиёсати ва амалиётининг очиқлик даражасини янада оширишга қаратилган.

ЖСТ фаолияти асосий соҳаларининг умумий тавси-

фи ҳам бу ташкилот олдида турган вазифаларнинг мураккаблиги билан бир қаторда уларнинг жаҳон иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга эканидан далолат беради. ЖСТнинг таъсис этилиши халқаро иқтисодий ва савдо муносабатларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди. Ташкилот аъзолари жаҳон савдосининг 90%и дан кўпроғини назорат қилади. ЖСТ қоидалари ушбу ташкилотга аъзо бўлаётган давлат ўз миллий қонунчилигини ЖСТ кўп сонли битимларининг қоидалари билан мувофиқ ҳолатга келтиришини талаб қилади.

Халқаро савдо ташкилотлари фаолиятини ўрганиш натижасида савдо алоқаларини тартибга солувчи нормалар комплексларининг таркиб топаётганига гувоҳ бўлдик. Кўпинча улар “ЖСТ ҳуқуқи”, “ЮНКТАД ҳуқуқи” деб аталади. Шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқий нормалардан ташқари, бу комплекслар ташкилотларнинг резолюцияларига асосан таркиб топтириладиган ноҳуқуқий нормаларни ҳам ўз ичига олади. Нормаларнинг иккала тури амал қилиш жараёнида ўзаро таъсирга киришади ва бир-бирини тўлдиради. Бундай норматив комплекслар савдо алоқаларини тартибга соладиган халқаро нормаларнинг умумий тизимида тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Халқаро савдо ҳуқуқи халқаро савдо алоқаларини тартибга солувчи нормалар комплексини, чунончи, халқаро-ҳуқуқий ва миллий-ҳуқуқий нормаларни, халқаро органлар, ташкилотлар ва конференцияларнинг резолюция ва қарорларини, суд ва арбитраж қарорларини, савдо одат ва удумларини бирлаштиради.

10.3. Халқаро савдони тартибга солувчи нормаларни унификация қилиш. Халқаро савдо алоқалари асосан жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Уларнинг фаолияти миллий ҳуқуқ нормалари

билан тартибга солинади. Бунда бир давлат миллий ҳуқуқи нормалари бошқа бир давлат миллий ҳуқуқи нормаларидан фарқ қилади. Миллий заминда таркиб топган давлатлар ҳуқуқи халқаро савдо талабларига камдан-кам ҳолларда мос келади. Буларнинг барчаси халқаро савдонинг ривожланишига тўсқинлик қилиши шубҳасиздир.

Миллий ҳуқуқ нормаларини унификация қилиш юқорида зикр этилган муаммоларни ҳал қилишнинг асосий воситасидир. Миллий ҳуқуқ нормаларини унификация қилиш деганда халқаро шартномалар тузиш йўли билан халқаро савдо алоқаларидаги тўсиқларни бартираф этишга қаратилган бир хил нормаларни таркиб топтириш тушунилади. Унификация – серкирра жараён бўлиб, универсал ва маҳаллий даражада, шу жумладан, икки тарафлама асосда амалга оширилади ҳамда умумий ва махсус нормаларни қамраб олади. Мазкур жараёнда давлатлар ҳам, ташкилотлар ҳам иштирок этади.

Бугунги кунда ҳуқуқ нормаларини универсал даражада унификация қилиш билан жуда кўп давлатлараро ва ноҳукумат ташкилотлари шуғулланмоқда. *Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси* уларнинг биринчисидир. XIX асрдаёқ чақирилган бу конференция 1955 йилдан бошлаб доимий ишлайдиган ташкилотга айланди. Конференция фаолиятининг асосий соҳаси – коллизия ҳуқуқни, шу жумладан, турли давлатлар ўртасида халқаро ҳуқуқ соҳасидаги коллизияларни ҳал қиладиган нормаларни унификация қилишдан иборат. Масалан, 1955 йилда халқаро миқёсда товарлар билан олди-сотди қилишга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида Гаага конвенцияси қабул қилинди. 1986 йилда унинг ўрнини халқаро миқёсда товарлар билан олди-сотди

қилиш шартномаларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги конвенция эгаллади.

1926 йилдан *Хусусий ҳуқуқни унификация қилиш халқаро институти* (УНИДРУА) фаолият кўрсатиб келади. Бу ҳукуматлараро ташкилот Римда жойлашган. Гаага конференциясидан фарқли ўлароқ, мазкур институт хусусий ҳуқуқнинг турли тармоқларини, чунончи, савдога оид тармоқларини ҳам унификация қилиш билан шуғулланади. УНИДРУА тайёрлаган лойиҳалар асосида 1964 йилда Гаагадаги конференцияда қуйидаги икки конвенция, “Халқаро миқёсда товарлар билан олди-сотди қилиш тўғрисидаги бир хил қонун ҳақида” ва “Халқаро миқёсда товарлар билан олди-сотди қилиш шартномалари тузиш тўғрисидаги бир хил қонун ҳақида” конвенциялар қабул қилинди. Бу конвенцияларга барча мамлакатлар қўшилмаган бўлса-да, уларнинг ҳар иккаласи ҳам кучга кирди. 1983 йилда Халқаро миқёсда олди-сотди қилишда вакиллик тўғрисидаги Женева конвенцияси қабул қилинди, 1988 йилда Оттавадаги конференцияда икки конвенция, халқаро молия лизинги ва халқаро факторинг бўйича конвенциялар маъқулланди. Лекин охириги икки конвенция ҳали кучга киргани йўқ.

Халқаро савдони ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш зарурати 1966 йилда БМТ Бош Ассамблеясини Ташкилот доирасида халқаро савдо ҳуқуқини унификация қилиш билан шуғулладиган орган — БМТнинг *Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясини* (ЮНСИТРАЛ) тузишга даъват этди. Комиссиянинг асосий вазифаси халқаро савдо ҳуқуқини уйғунлаштириш ва унификация қилиш, шунингдек, халқаро савдо одатларини кодекслаштиришга кўмаклашишдан иборат. Комиссия ишлаб чиққан лойиҳаларга асосан 1974 йилда “Халқаро миқёсда товарлар билан олди-сотди қилишда даъво қўзғатиш муддатининг ўтиши тўғрисида”ги Нью-

Йорк конвенцияси (1988 йилда кучга кирди), 1978 йилда “Денгизда юк ташиш тўғрисида”ги Гамбург конвенцияси (1992 йилда кучга кирди), 1980 йилда “Халқаро миқёсда товарлар билан олди-сотди қилиш шартномалари тўғрисида”ги Вена конвенцияси (1988 йилда кучга кирди), 1988 йилда “Халқаро пул ўтказиш векселлари ва халқаро оддий векселлар тўғрисида”ги Нью-Йорк конвенцияси қабул қилинди.

Халқаро савдо алоқаларини тартибга солувчи нормаларни таркиб топтиришда халқаро ноҳукумат ташкилотлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу соҳада *Халқаро савдо палатасининг* фаолияти айниқса, диққатга сазовор. У Парижда жойлашган бўлиб, 1920 йилда таъсис этилган ва бугунги кунда ишбилармонлар орасида нуфузли ташкилот сифатида фаолият олиб бормоқда. Палата савдо одатлари ва амалиётини умумлаштириб, халқаро савдонинг турли соҳаларида қўлланадиган одатлар тўпламларини тайёрлайди ва эълон қилади. Бундай тўпламлар юридик кучга эга эмас ва улар фақат шартномада бевосита кўрсатилган ҳоллардагина қўлланилади. Мазкур тўпламлар халқаро савдо соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда алоҳида ўрин тутаяди. Амалиётда “Савдо атамаларини шарҳлаш халқаро қоидалари” (ИНКОТЕРМС) ҳужжатининг (1990 йилдаги таҳририда) аҳамияти алоҳида эътироф этилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро савдо ҳуқуқининг предмети нима?
2. Халқаро савдо ҳуқуқи қандай манбаларга таянади?
3. Халқаро савдо бошқарувининг икки томонлама ва кўп томонлама устунлиги нимада намоён бўлади?
4. “Савдо шартномалари” қандай номлар билан аталади?
5. Халқаро савдо ҳуқуқи тизимига таъриф беринг.

6. Жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда халқаро савдо ҳуқуқи қандай ўрин тутаети?

Адабиётлар

1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. -М., 1997.
2. Бувайлик Г.Е. Правовое регулирование международных экономических отношений. Киев, 1997.
3. Вельяминов Г.Н. Правовое урегулирование международной торговли. -М., 1972.
4. Кольцов Б.И. Правовое регулирование международных экономических отношений. -М., МГИМО, 1979.
5. Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть. -М., 1997.
6. Международные экономические отношения. /Под ред. В.Е.Рыбалкина. -М., 1997.
7. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава Международное экономическое право) -Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004.
8. Ушаков Н.А. Режим наибольшего благоприятствования в межгосударственных отношениях. -М., 1995.
9. Шмаков В.А. IV Ломейская конвенция как договорно-правовой инструмент установления нового международного экономического порядка./ МЖМП, 1995. №4. с.64-83.
10. Шумилов В.М. Международное экономическое право. -М., ДеКА, 1999.

11. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ҲУҚУҚИ

Халқаро молия ҳуқуқи – давлатлараро валюта-молия муносабатларини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий таъмоиллар ва нормалар мажмуидан иборат бўлиб, маъмур муносабатлар тизимида валюта муносабатлари етакчи ўрин тутаети. Шу туйғайли халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг тармоғи баъзан халқаро валюта ҳуқуқи деб ҳам юритилади.

Валюта-молия муносабатлари халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа соҳаларида (савдо, саноат, илмий-техникавий, инвестицион, божхона, транспорт ва ҳ.к.) ҳам амал қилади. Лекин улар мустақил мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Валюта-молия муносабатлари мажмуи ҳисоб-китоб, кредит муносабатларини, тижорат битимларини молиявий таъминлаш, валюта бозорини такомиллаштириш, халқаро валюта-кредит ташкилотларини тузиш ва уларнинг фаолиятига оид муносабатларни ўз ичига олади.

А. Халқаро молия ҳуқуқининг манбалари. Давлатлар ўртасидаги валюта-молия муносабатлари асосан икки тарафлама шартномалар билан тартибга солинади. Ушбу соҳага доир нормалар савдо ёки иқтисодий ҳамкорлик бўйича умумий шартномаларда жамланади. Масалан, тарафлар савдо муносабатларининг бутун мажмуи учун савдо шартномалари билан белгиланадиган режим валюта-молия фаолиятига нисбатан ҳам татбиқ этилади. “Савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида”ги битимлар қўшма лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. “Валюта-молия масалаларининг кенг доираси товар обороти ва тўловлар тўғрисида”ги битимлар билан ҳал қилинади (ҳисоб-китоблар валютаси, ҳисоб-китоб усуллари ва ҳ.к.). Лекин бу валюта-молия аҳамиятига молик махсус битимлар мавжудлигини истисно этмайди.

Клиринг битимлари ташқи иқтисодий соҳада юзага келадиган қарши талаблар ва мажбуриятларни ҳисобга қўшиш йўли билан, чет эл валютасини ўтказмасдан ўзаро ҳисоб-китоблар қилиш тартибини белгилайди. Бундай битимларнинг мақсади – ўзаро тўловларни мувозанатга солишдан иборат. Махсус клиринг ҳисоб варағидаги ҳисоб-китоб валютасининг курси ўзгариб турганлиги учун битимларга валюталар курси ўзгарган тақдирда ҳисоб варағидаги пулни қайта ҳисоблаш имконини берувчи эс-

латма киритилади. Баъзан битимларда талаблар ўзаро ҳисобга олинганидан сўнг ҳисоб варағларида қолган қолдиқларни муайян валютага ўтказиш ҳам назарда тутилади. Бундай битимлар ҳисоб-китоб-клиринг битимлари деб аталади.

Тўлов битимлари ҳисоб-китобларни келишилган валютада тартибга солади ва ҳисоб-китоблар механизмини белгилайди. Кредит битимлари қарз бериш шартларини (муддатлари, фоиз ставкаси, қайтариш усуллари ва ҳ.к.), унинг шаклларини (кредит олтин, валюта, товарлар билан берилиши мумкин) белгилайди.

Валюта-молия муносабатлари кўп тарафлама шартномалар билан ҳам тартибга солинади. Бунга мисол тариқасида Фарбий Европа мамлакатлари ўртасида тузилган “Евровалютада ўзаро ҳисоб-китоблар қилиш тартиби тўғрисида”ги битимларни келтириш мумкин. Яъни, 1992 йилги Маастрихт шартномаси 1994 йилги “МДҲга аъзо давлатларнинг тўлов иттифоқини тузиш тўғрисида”ги битимни бунга мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Б. Халқаро молия ташкилотлари давлатлараро ҳамкорликни амалга ошириш механизмининг муҳим бўғини сифатида. Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг бошқа тармоқларида бўлганидек, халқаро молия муносабатларини тартибга солишда ташкилотларнинг уставлари, уларнинг доирасида тузиладиган битимлар, шунингдек, ноҳуқуқий ҳужжатлар, масалан, ташкилотларнинг резолюциялари муҳим ўрин тутди.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) халқаро валюта-молия ташкилотлари тизимида асосий ўринни эгаллайди. У 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Конференцияси томонидан валюта-молия масалалари бўйича қабул қилган шартномалар (Бреттон-Вудс битимлари) асосида ташкил этилган. Қароргоҳи Вашингтонда жойлашган. 1947 йилдан бош-

лаб БМТнинг ихтисослашган муассасаси мақомига эга. Фондга деярли барча давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ва МДХнинг бошқа мамлакатлари ҳам аъзо бўлган.

ХВФнинг асосий мақсади — давлатларнинг валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириш ва уларнинг тўлов баланси ва миллий валютасини қувватлаш учун қарзлар беришдан иборат. Бундан ташқари, ХВФ: валюта соҳасидаги халқаро ҳамкорликка ва жаҳон савдосининг ривожланишига кўмаклашади; валюталар барқарорлигини сақлаш ва давлатлар ўртасидаги валюта муносабатларини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар кўради; кўп тарафлама ҳисоб-китоблар тизимини таркиб топтиришда иштирок этади.

ХВФга аъзо ҳар бир мамлакатнинг Фонд олий органи – Бошқарувчилар кенгашида овоз бериш ҳуқуқи унинг устав капиталидаги улушига боғлиқ. Фондга аъзо бўлаётганида давлат унинг капиталидаги муайян улушга имзо чекади. ХВФ мамлакатнинг жаҳон хўжалигидаги ўрнига боғлиқ бўлади ва Бошқарувчилар кенгаши томонидан тасдиқланади. Давлатга ажратилган квота унга қарашли бўлган овозлар сонини, шунингдек, у олиши мумкин бўлган қарзлар миқдорини белгилайди. ХВФнинг миқдори квотанинг 450% идан ошмаслиги лозим.

Жаҳон банки БМТ билан боғлиқ мураккаб халқаро тузилмадир. Унинг тизимига Жаҳон банки президентига бўйсунадиган тўрт мустақил муассаса, Тикланиш ва тараққиёт халқаро банки (ТТХБ), Халқаро молия корпорацияси (ХМК), Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ), Инвестицияларнинг кафолатлари бўйича кўп тарафлама агентлик киради. Бу муассасаларнинг умумий мақсади БМТнинг яхши ривожланмаган аъзоларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига молиявий ва консултатив ёрдам кўрсатиш, кадрлар тайёрлашда ёрдам

бериш йўли билан кўмаклашишдан иборат. Ушбу умумий мақсад доирасида ҳар бир муассаса ўз мақсадларини амалга оширади.

Тикланиш ва тараққиёт халқаро банки 1945 йили Бреттон-Вудсда ХВФ билан бир пайтда таъсис этилган. Унга жаҳоннинг жуда кўп мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ва МДХнинг бошқа мамлакатлари аъзо бўлган. Унинг асосий вазифаси - ишлаб чиқариш мақсадларига маблағларни йўналтириш йўли билан аъзо давлатларнинг тикланиши ва тараққиётига кўмаклашиш, хусусий ва чет эл инвестицияларини рағбатлантиришдан иборат. ХВФда бўлганидек, Банкда ҳам ҳар бир аъзо давлат унинг устав капиталидаги ўз улушига мутаносиб равишда овозлар сонига эга бўлади. Халқаро молия корпорацияси ва Халқаро тараққиёт уюшмаси энг қашшоқ ва ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланишига кўмаклашади. Масалан, ХМК бундай мамлакатларга фоизсиз қарзлар беради.

В. Молия муносабатларини тартибга солувчи нормаларни унификация қилиш. Халқаро савдода бўлганидек, халқаро валюта-молия муносабатларида ҳам халқаро иқтисодий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган давлатлараро муносабатларни ва миллий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муайян шахслар ўртасидаги муносабатларни фарқлаш лозим. Шунга қарамай, халқаро ҳуқуқ хусусий аҳамиятга молик муносабатларни тартибга солишда ҳам муҳим роль ўйнайди. У жисмоний ва юридик шахсларнинг валюта молия муносабатларини тартибга солишга мўлжалланган миллий нормаларни бирхиллаштириш воситаси сифатида амал қилади.

Бу соҳада Векселларга доир ҳуқуқларни унификация қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси (1930 йилда) ва Чекларга доир ҳуқуқларни унификация қилиш тўғриси-

даги Женева конвенцияси (1931 йилда) муҳим ўрин тутди. Конвенциялар анча кенг тарқалган бўлса-да, лекин ҳали улар универсал аҳамият касб этганича йўқ. Уларда инглиз-америка ҳуқуқи мамлакатлари иштирок этмайди. Натижада иқтисодий алоқаларда векселлар ва чекларнинг икки тизими – Женева ва инглиз-америка тизимлари амал қилади.

Бундай ҳолатга барҳам бериш учун 1988 йилда БМТнинг халқаро ўтказиладиган векселлар ва халқаро оддий векселлар тўғрисидаги конвенцияси қабул қилинди (унинг лойиҳасини ЮНСИТРАЛ тайёрлади). Афсуски, конвенция ихтилофларни бартараф эта олмади ва ҳозирча кучга киргани йўқ.

1988 йилда қабул қилинган халқаро молия лизинги ва халқаро факторинг тўғрисидаги Оттава конвенцияларининг ҳар иккаласи ҳам молия муносабатларига бевосита тааллуқли бўлиб, улар тижоратни молиялаштириш, яъни хусусий-ҳуқуқий шартномаларни молиявий таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Халқаро ҳисоб-китоблар қадимдан банк амалиётида таркиб топган қоидаларга мувофиқ тартибга солиб келинади. Бундай қоидаларни унификация қилиш ноҳукумат даражасида, асосан Халқаро савдо палатаси доирасида амалга оширилади. Ушбу Палата тайёрлаган қоидалар тўпламлари халқаро ҳисоб-китобларни тартибга солувчи ягона ҳужжатлардир. Холбуки, мазкур ҳужжатлар юридик кучга эга эмас. Уларни амалга ошириш механизмида банклар муҳим роль ўйнайди. Банкларнинг миллий уюшмалари ва муайян банклар ХСПга тегишли қоидаларнинг қабул қилиниб, амалиётда қўлланаётгани тўғрисида хабар беради ёхуд уларнинг қўлланиши турли мамлакатларнинг банклари тузадиган корреспондентлик

битимларида белгилаб қўйилади. Документар аккредитивлар учун унификация қилинган қоидалар ва одатлар (охирги таҳрири 1993 йилда), Инкассо бўйича унификация қилинган қоидалар (охирги таҳрири 1995 йилда), Талабга қўра кафолатлар бериш учун унификация қилинган қоидалар (1992 й.), Шартнома бўйича кафолатлар тўғрисидаги унификация қилинган қоидалар (1978 й.) айниқса кенг қўлланилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. БМТнинг иқтисодий ва молиявий масалалар билан шуғулланувчи қандай ташкилотлари мавжуд?
2. “Халқаро молия ҳуқуқи” ва “Халқаро валюта ҳуқуқи” атамаларининг фарқи борми?
3. Халқаро молия ҳуқуқида халқаро муносабатлар предмети қандай ўрин тутаети?
4. Давлатнинг ташқи савдо ва тўлов баланси ҳолатининг ўзаро боғлиқлиги нималарда намоён бўлади?
5. Халқаро молия ҳуқуқи деганда нимани тушунаси?
6. Жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда халқаро савдо ва молия ҳуқуқи қандай ўрин тутаети?
7. Халқаро ва минтақавий миқёсда қандай валюта-молия ташкилотлари фаолият олиб боради? Ўзбекистон Республикаси уларнинг қайсилари билан ҳамкорлик қилади?

Адабиётлар

1. Альтшуллер А.Б. Международное валютное право. -М., 1984.
2. Буглай В.Б., Ливенцев Н.Н. Международные экономические отношения. -М., 1996.

3. Вернер Ф.Эбке. Международное валютное право. -М., 1996.
4. Дорсин И. Вступление республик бывшего СССР в МВФ. / Внешняя торговля. 1993. №9.
5. Кувшинов Е.С. Регулирование валютно-финансовых отношений в международном экономическом праве. / Государство и право. 1996. № 12. с.83-89.
6. Левина Л.А. Правовое положение Международного Валютного фонда и Всемирного банка. -М., 1996
7. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Под ред. Красавиной Л.Н. -М., 1994.
8. Нешатаева Т.Н. МБ и МВФ, правовая идея и реальность. / МЖМП. 1993. № 2.
9. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Хозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528 б.
10. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ, Дарслик. -Т., "Адолат". 2001. 220 б.
11. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава Международное экономическое право) -Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004г.
12. Шумилов В.М. Международное экономическое право. М., ДеКА, 1999.
13. Хакимов Р.Т. Узбекистан и ООН. 1995.
14. Хакимов Т.Т. Международно-правовые вопросы признания и правопреемства Республики Узбекистан. -Т., 1997.

12. ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ҲУҚУҚИ

Савдо ва молия ҳуқуқининг кўпгина ҳуқуқий ҳужжатлари ва ташкилотлари муайян даражада инвестициялар соҳасига ҳам тегишлидир. Айни вақтда, ушбу соҳага бевосита тааллуқли бўлган нормалар ва институтлар миқдори шу қадар кўпки, уларнинг барчаси халқаро инвестиция ҳуқуқи ҳақида халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг мустақил тармоғи сифатида сўз юритиш имконини беради.

Халқаро инвестиция ҳуқуқи — давлатлар ўртасидаги капитал қўйилмалар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи тамойиллар ва нормалар тизимидир. Унинг асосий тамойили Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари хартиясида қуйидагича таърифлаб берилган: ҳар бир давлат “миллий юрисдикцияси доирасидаги чет эл инвестицияларини ўз қонунлари ва қарорларига асосан ва миллий мақсадлари ва муҳим вазифаларига мувофиқ тартибга солиш ва назорат қилишга ҳақлидир. Бирон-бир давлат чет эл инвестицияларига имтиёзлар беришга мажбур қилиниши мумкин эмас”.

Давлатлараро инвестицион муносабатлар асосан икки тарафлама шартномалар билан тартибга солинади. Улар ҳар хил номланиши мумкин. Яъни капитал қўйилмаларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим, капитал қўйилмаларни амалга оширишга кўмаклашиш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим ва ҳ.к. Бундай битимларда Ўзбекистон Республикаси ҳам иштирок этади. Икки тарафлама инвестицион шартномалар кенг тарқалганлигини инобатга олиб, ТТХБ ва ХВФ 1992 йилда бундай шартномаларнинг намунавий умумий қоидалари жамланган тўпламни эълон қилди.

Барча икки тарафлама инвестицион шартномалар мазмунида кўриладиган умумий масалалар доирасини қуйидагича қайд этиш мумкин: чет эллик инвесторларга ҳуқуқий режимни белгилаш (қоида тариқасида, миллий режим); қабул қилаётган давлат тақдим этадиган кафолатлар тизими (национализация қилишдан, валютани эркин олиб чиқиб кетишни тақиқлашдан, нотижорат, яъни сиёсий хавфлардан ва ҳ.к.); чет эллик инвестор билан қабул қилаётган давлат ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш тартиби (қоида тариқасида, арбитраж тартибида кўриш имконияти назарда тутилади).

Маълумки, 1993 йилда МДХ доирасида инвестицион фаолият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида кўп тарафлама Битим тузилган бўлиб, ушбу битимда белгиланган режим учинчи давлатларга нисбатан татбиқ этилмайди (24-модда). Тарафлар инвестицион фаолиятнинг барча жабҳаларида бир-бирларига миллий режимни тақдим этади. Тарафлар келишилган инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳамкорлик қилади; инвестицион фаолият масалалари бўйича қонунчиликни яқинлаштириш ҳамкорлик йўналишларидан биридир. Инвестициялар национализациядан ҳимоя қилинади. Айни вақтда, инвесторлар давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни, шу жумладан, бой берилган фойдани қоплашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

1988 йилда ТТХБ ташаббуси билан 1985 йилги Сеул конвенциясига асосан Инвестицияларнинг кафолатлари бўйича кўп тарафлама агентлик тузилди. Агентликнинг умумий мақсади – ишлаб чиқаришга чет эл капитал кўйилмаларини рағбатлантиришдан иборат бўлиб, бунга инвесторларга кафолатлар бериш, шу жумладан, чет эл инвестицияларини нотижорат хавфларидан суғурта ва қайта суғурта қилиш йўли орқали эришилади.

Агентлик ташкилий жиҳатдан ТТХБ билан боғлиқ (унинг президенти Агентлик бош органи - Бошқарувчилар кенгашининг раисидир). Агентликка фақат ТТХБ аъзолари аъзо бўлиши мумкин. Агентликка 120 дан ортиқ давлат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ва МДХнинг бошқа мамлакатлари аъзо бўлган. Бошқа иқтисодий ташкилотларда бўлганидек, Агентликда ҳам аъзо давлатнинг овозлари сони унинг устав фондидаги улуши миқдори билан белгиланади.

Кафолатлар хусусий инвесторларга берилади. Бунинг

учун Агентлик хусусий инвестор билан тегишли шартнома тузади. Суғурта ходисаси рўй берган тақдирда Агентлик шартномада назарда тутилган суғурта пулини тўлайди. Шундан сўнг хусусий инвесторнинг қабул қилаётган давлатга даъвоси Агентликка ўтади. Низо халқаро-ҳуқуқий аҳамият касб этади. Бу низода икки давлат эмас, балки бир давлат ва халқаро ташкилот – Агентлик иштирок этади. Бундай тартиб манфаатдор давлатларнинг ўзаро муносабатларига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимолини камайтиради.

Халқаро шартномалар, шу жумладан, Сеул конвенцияси чет эл капитал қўйилмаларига катта халқаро-ҳуқуқий кафолатлар беради. Уларнинг ёрдамида қабул қилаётган давлатнинг инвестицион шартномани бузиши мазкур давлатнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлигига сабаб бўладиган халқаро ҳуқуқбузарликка айланиши мумкин.

Чет эл инвестицияларини национализация қилиш тўғрисидаги масала – халқаро инвестицион шартномалар ҳал қилувчи муҳим масалалардан биридир. Давлатнинг чет эл мулкини национализация қилиш ҳуқуқи халқаро ҳуқуқда тан олинади. Лекин уни амалга ошириш бир қанча махсус талаблар билан белгиланади. Биринчидан, национализация зўравонлик билан амалга оширилиши мумкин эмас, у фавқулодда ҳолларда, жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда ва қонунга асосан амалга оширилиши мумкин; иккинчидан, национализация амалга оширилган тақдирда, чет эллик инвесторга “тез, самарали ва мувофиқ миқдор”да компенсация тўланиши лозим.

Тўғри, национализация амалга оширилган ҳолларда давлатнинг компенсация тўлаш мажбурияти бирон-бир универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатда қайд этилмаган. Шунга қарамай, бундай мажбурият мавжуд

ва унинг юридик кучи халқаро-ҳуқуқий одатдан келиб чиқади. Мазкур мажбуриятнинг мавжудлигини икки тарафлама ва кўп тарафлама инвестицион шартномалар, кўпгина давлатларнинг ички қонунлари, шунингдек, турли давлатларнинг суд ва арбитраж амалиёти тасдиқлайди. Масалан, МДХ Битимининг 7-моддасига биноан: чет эл инвестициялари национализация қилиниши мумкин эмас; чет эл инвестицияларини национализация қилишга фақат қонунда назарда тутилган фавқулдда ҳоллардагина йўл қўйилади; бунда “тез, самарали ва мувофиқ миқдор” да компенсация тўланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Чет эл инвестицияларини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи қандай амалга оширилади?
2. Чет эл инвестициялари қандай шаклда ташкил топади?
3. Қайси тамойиллар халқаро инвестицион ҳуқуқ асосида ташкил топади?
4. Қайси турдаги шартномаларда “тўғридан-тўғри” инвестициялар пайдо бўлади?
5. Халқаро инвестицион ҳуқуқда халқаро муносабатлар предмети қандай ўрин тутади?

Адабиётлар

1. Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. -М., 1997.
2. Алакпаров К. и др. Проблемы международного инвестиционного права. // Хозяйство и право. 1998. №5. с 77-81.
3. Альтшуллер А.Б. Международное валютное право. -М., 1984.
4. Богатырев А.Г. Инвестиционное право. -М., 1992.
5. Буглай В.Б., Ливенцев Н.Н. Международные экономи-

- ческие отношения. -М., 1996. Лукашук И.И. Обычные нормы современного международного права. / МЖМП, 1994. №2.
6. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528-б.
 7. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. -Т., "Адолат", 2001, 220-б.
 8. Раҳимова М. Международное публичное право. (Глава "Международное экономическое право) -Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004г.
 9. Тиунов О.И. Принцип соблюдения международных обязательств. -М., 1979.
 10. Ушаков Н.А. Международное право, основные понятия и термины. -М., 1996 г.
 11. Шумилов В.М. Международное экономическое право. -М., ДеКА, 1999.
 12. Юмашев Ю.М. Правовое регулирование прямых иностранных капиталовложений в ЕЭС -М., 1998.

13. МЕҲНАТНИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ. МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБ

Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви, миллий иқтисодиётлар ўртасидаги боғлиқликнинг кучайиши товар сифатидаги ишчи кучи миграциясининг ўсишига олиб келди. Натижада халқаро меҳнат бозори вужудга келди ва фаолият кўрсатмоқда. Ушбу бозор меҳнат ресурсларининг миллий чегараларни кесиб ўтувчи ҳар хил оқимларини қамраб олади, миллий ва минтақавий бозорларни бирлаштиради. Қоида тариқасида, ишчи кучи турмуш даражаси паст бўлган мамлакатлардан турмуш даражаси нисбатан юқори бўлган давлатларга кўчиб ўтади. Трансмиллий корпорациялар ишчи кучининг капитал сари ҳаракатини таъминлаб ёки ўз капиталини ортиқча ишчи

кучи мавжуд минтақаларга жойлаштириб, ишчи кучининг капитал билан бирлашувига имконият яратади.

Ишчи кучи халқаро миграцияси қуйидаги йўналишларда амалга ошади:

- ривожланаётган ва собиқ социалистик мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга;
- саноати ривожланган мамлакатлар доирасида;
- ривожланаётган мамлакатлар доирасида;
- саноати ривожланган мамлакатлардан - ривожланаётган мамлакатларга.

“Халқаро меҳнат ҳуқуқи”нинг шартнома манбалари қуйидагилардир: - дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги икки тарафлама шартномалар, савдо ва денгизда кема қатнови, кўчириш, иммиграция, касб-хунар таълими, ижтимоий таъминот, мавсумий ишчилар тўғрисидаги шартномалар ва ҳ.к. Турли минтақалар миқёсида ҳам кўплаб ҳужжатлар амал қилади. Европа Кенгаши доирасида 1950 йилда Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси, 1955 йилда Кўчириш тўғрисидаги Европа конвенцияси, 1961 йилда Европа ижтимоий хартияси, 1964 йилда Европа ижтимоий таъминот кодекси, 1972 йилда “Ижтимоий таъминот тўғрисида”ги Европа конвенцияси, 1977 йилда “Меҳнаткаш-мигрантнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги Европа конвенцияси қабул қилинган.

Шахсларнинг кўчиб юриш эркинлиги - ЕИ эълон қилган тамойиллардан бири. 1957 йили “ЕИХни таъсис этиш тўғрисида”ги шартномада шахслар, хизматлар, капиталнинг эркин кўчиб юришига, меҳнаткашларнинг эркин ҳаракатланишига, ЕИ резидентлари аъзо мамлакатларда эркин жойлашишига тўсиқларни бекор қилиш назарда тутилган (3, 48, 51, 52-моддалар).

Меҳнаткашлар ҳаракат эркинлигининг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат:

- меҳнаткашнинг амалда таклиф қилинаётган ишни қабул қилиш ҳуқуқи;

- аъзо давлатлар ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи;

- аъзо давлатлардан бирида яшаш ва мазкур давлат фуқароларининг бандлигини тартибга солувчи қонуний фармойишлар ва маъмурий қоидаларга мувофиқ меҳнат фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқи;

- аъзо давлатлардан бирида ўз меҳнат фаолиятини яқунлагач, шу давлат ҳудудида қолиш ҳуқуқи;

- ижтимоий таъминот мақсадида турли мамлакатларнинг қонунчилигини ҳисобга олувчи барча иш даврларини қўшиш ҳуқуқи;

- аъзо мамлакатлар ҳудудида ижтимоий нафақа олиш ҳуқуқи.

Меҳнаткашларнинг ҳаракатланиш эркинлиги давлат хизматидан ташқари, бандликнинг барча соҳаларига нисбатан татбиқ этилади. Фақат жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, кишилар соғлигини муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан чеклашларга йўл қўйилади. Аъзо давлатлар эълон қилинган эркинликни рўёбга чиқаришга тайёр бўлиши, чунончи, бандлик хизматлари ўртасида алоқа ўрнатиши; маъмурий тўсиқларни бартараф этиши; ишчи кучини танлашнинг камситувчи шартларини бекор қилиши; ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида алоқа механизмларини вужудга келтириши учун маълум вақт керак бўлди. ЕИ мамлакатларининг 1992 йилда Маастрихт шартномасига кўра аъзо давлатларнинг фуқаролари Европа Иттифоқи фуқаролари мақомини олди. Ҳозирда ЕИ давлатлари Рим шартномасига мувофиқ учинчи мамлакатлардан келган мигрантларнинг ўз ҳудудида яшаш шароитларини енгиллаштириш йўлидан бормоқда. Айтиш керакки, бу давлатлар иммиграцияни

назорат остига олиш имконини берадиган чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Меҳнат миграцияси масалаларига бағишланган бошқа минтақавий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар орасидан 1977 йилда қабул қилинган “Анд пактига аъзо Лотин Америкаси давлатлари ўртасидаги меҳнаткашлар миграцияси тўғрисида”ги конвенция ва 1968 йилда қабул қилинган “Араб давлатлари лигаси доирасида тузилган Ишчи кучининг кўчиб юриши тўғрисида”ги конвенцияни қайд этиш лозим. МДХда 1994 йилнинг 15 апрелида имзоланган Миграция ва меҳнаткаш мигрантларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қиладди. Битимга кўра, ишчиларни жалб қилиш тартиби ва уларга қўйиладиган талаблар иш бераётган давлат томонидан халқаро битимларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Дипломлар, маълумот ва малака даражаси тўғрисидаги шаҳодатномалар легализациясиз ўзаро тан олинади. Бунда ишчининг меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси билан расмийлаштириш назарда тутилган. Ишчининг даромадларини икки тарафлама солиққа тортишга йўл қўйилмайди. Бу маблағларни ўтказиш иш берувчи давлатнинг қонун ҳужжатлари ва халқаро битимларига мувофиқ амалга оширилади. Тиббий хизмат кўрсатиш иш берувчи ҳисобидан миллий режим асосида амалга оширилади. МДХ доирасида ишчиларнинг пенсия таъминоти 1992 йилда 13 мартда имзоланган “МДХга аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги битим ва икки тарафлама халқаро битимлар билан тартибга солинади.

Меҳнатни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг универсал манбалари қаторида 1966 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги пактлар ва 1951 йилда

қабул қилинган “Қочоқлар мақоми тўғрисида”ги конвенция ва 1954 йилда қабул қилинган “Апатридлар мақоми тўғрисида”ги конвенцияни қайд этиш мумкин. Бу ҳужжатлар мазкур тоифага мансуб шахсларга нисбатан миллий режим амал қилишидан келиб чиқади.

1919 йили тузилган ва 1946 йилда БМТнинг ихтисослашган муассасасига айлантирилган Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) “халқаро меҳнат ҳуқуқи” масалаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг универсал маркази бўлиб қолаётир. ХМТ доирасида 140 га яқин халқаро конвенциялар ишлаб чиқилди ва тахминан шунча миқдорда тавсиялар ҳам қабул қилинди. Улар жамулжам ҳолда ўзига хос “халқаро меҳнат кодекси”ни ташкил этади. Халқаро меҳнат бозори нуқтаи назаридан бу ҳужжатлар орасида энг муҳими 1949 йили Меҳнаткаш мигрантлар тўғрисидаги 97-сонли Конвенциядир (1952 йилда кучга кирган, қирққа яқин мамлакат аъзо бўлган). Ушбу Конвенция чет эллик ишчиларга нисбатан миллий режимни тасдиқлайди. Айни вақтда, унда ишчи кучи миграцияси устидан назорат олиб бориш чора-тадбирлари ҳам назарда тутилган. 1975 йил 23 июнда имзоланган 143-сон Конвенция юқоридаги Конвенция қоидаларини тўлдиради ва меҳнаткаш мигрантларни камситмаслик, уларга тенг имкониятлар берилишини таъминлаш каби талабларни тасдиқлайди. Шу Конвенцияда ноқонуний иммиграцияга қарши кураш чора-тадбирларини кўриш назарда тутилган, транзитчи мигрантларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мажбурияти белгиланган. 1982 йил яна бир Конвенция қабул қилинган бўлиб, унда меҳнаткаш мигрантларнинг ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳуқуқларини сақлаш тизими баён этилган. Ушбу Конвенциянинг вазифаси — муайян мамлакатларнинг ривожланиш даражасидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий

таъминот миллий тизимларини мувофиқлаштиришдан иборат. Конвенцияга мувофиқ, иш берувчилар ишчиларни ишдан бўшатиш тўғрисида олдиндан огоҳлантиришлари шарт. Бунда иш берувчилар ишдан бўшатиш учун мавжуд асосларни исботлаб беришлари керак. Ишдан бўшатишда жинсий, ирқий, миллий, касабга уюшмаларига аъзолик белгиларига кўра камситиш тақиқланади.

Меҳнаткаш мигрантлар тўғрисидаги 97-сон Конвенцияга мувофиқ, давлатлар ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади: мигрантларга иш билан таъминлаш хизматлари орқали зарур ахборот олишда бепул ёрдам кўрсатиш; иммиграция ва эмиграция масалаларида янгилиштирадиган ташвиқотга қарши, миграциянинг барча босқичлари – жўнаб кетиш, кўчиш, қабул қилиш, тиббий хизматларни ташкил этишни енгиллаштириш бўйича чоралар кўриш; меҳнат ҳақи ва омонатларни ўз ватанига юборишга рухсат бериш. Конвенциянинг иловалари мигрантларни ишга ёллаш, жойлаштириш, меҳнат шартлоитлари, уларнинг ўз шахсий мол-мулки, иш асбоблари ва ускуналарини олиб кириши каби масалаларини тартибга солади.

1990 йилда БМТнинг “Меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенцияси қабул қилинди. Бу Конвенцияда қуйидаги муҳим қоидалар белгиланган:

- меҳнаткаш мигрантларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқларини камситиш тақиқланади;
- мигрантларга улар яшаб турган давлат фуқаролари билан бир хилда муомала қилиниши лозим;
- меҳнаткаш мигрантлар ўзлари яшаб турган мамлакатда касабга уюшмалари тузишга ҳақлидирлар;
- меҳнаткаш мигрантларни ишга қабул қилишга чеклашлар мавжуд бўлган мамлакатларда бу чеклашлар

шу мамлакатда 5 йилдан кўпроқ яшаган мигрантларга нисбатан татбиқ этилмаслиги лозим;

- меҳнаткаш мигрант фақат меҳнат шартномасини бажармаганлиги учун давлат ҳудудида яшаш ёки иш олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёхуд ундан чиқариб юборилиши мумкин эмас, башарти бундай мажбуриятни бажариш ишлашга рухсат олиш шартларидан бири сифатида белгиланмаган бўлса;

- мамлакатда бўлиб туриш муддати тугаганидан сўнг мигрант ва унинг оила аъзолари ўзлари ишлаб топган пул ва жамғармаларини ўз ватанига юбориш ҳамда ўз шахсий мол-мулкани олиб чиқиб кетишга ҳақлидирлар;

- мигрант ва унинг оила аъзолари исталган пайтда ўзлари келган давлатга қайтиб кетиш ва унда қолишга ҳақлидирлар.

1919 йил ва 1944 йилда қабул қилинган “ХМТнинг мақсад ва вазифалари тўғрисида”ги Филадельфия декларациясида қуйидаги вазифалар қайд этилган: иш вақтини тартибга солиш; ишчи кучини танлашни тартибга солиш; ишсизликка қарши кураш (Филадельфия декларациясига кўра, тўлиқ бандликни таъминлаш); меҳнат ҳақи кафолатларини белгилаш; меҳнаткашларни касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилиш; тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш; ижтимоий адолат орқали тинчликни таъминлаш ва ҳ.к. ХМТнинг олий органи – Бош конференция (Халқаро Меҳнат Конференцияси). У аъзо давлатларнинг делегацияларидан таркиб топган бўлиб, ҳар йили бир марта чақирилади. ХМТнинг ҳар бир аъзоси ҳукуматдан икки делегат, тадбиркорлар ва меҳнаткашлардан эса – биттадан делегат юборади. Ҳар бир делегат делегациянинг бошқа аъзоларидан мустақил бўлиб, ўзи мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Конференция Маъмурий кенгаш докладларини тинглайди, конвенциялар лойиҳаларини кўриб чиқади, ҳар икки йилда бир маротаба ХМТ дастури ва бюджетини тасдиқлайди, ХМТ бўлажак сиёсатининг асосий йўналишлар ва иш тамойилларини белгилайди.

ХМТнинг ижро этувчи органи – Маъмурий кенгаш. У уч йил муддатга сайланади. Маъмурий кенгаш 56 аъзодан иборат (28 аъзо – ҳукуматларнинг, 14 аъзо – тадбиркорларнинг ва яна 14 аъзо – меҳнаткашларнинг вакиллари). Маъмурий кенгаш мажлислари ҳар йили уч марта чақирилади. У Конференция учун кун тартибини тайёрлайди, Конференция қарорларини ижро этиш чоратадбирларини кўради, Бош директорни сайлайди. ХМТнинг доимий ишлайдиган котибияти – Халқаро меҳнат бюросига Бош директор раҳбарлик қилади. Ушбу Бюро маъмурий орган, тадқиқот, ҳужжатлар ва мувофиқлаштириш маркази вазифаларини бажаради. Бюро 40 мамлакатда ваколатхоналар тармогига эга. Давлатлар ХМТнинг ратификация қилинган конвенциялари ижроси юзасидан Халқаро меҳнат бюросига мунтазам равишда ҳисоботлар тақдим этишлари шарт.

Аҳоли миграцияси масалалари билан ХМТдан ташқари бошқа халқаро ташкилотлар, чунончи: БМТнинг Аҳоли ва тараққиёт бўйича комиссияси, Миграция бўйича халқаро ташкилот, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда ЮНЕСКО шуғулланади. Фарбий Европада меҳнаткаш мигрантларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш билан Миграция масалалари бўйича ҳукуматлараро қўмита (СИМЕ) шуғулланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро меҳнат бозорининг мақсад ва вазифалари нима-лардан иборат?
2. Қайси халқаро ҳужжатлар меҳнатни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш манбалари ҳисобланади?
3. Миграция масалалари билан қандай халқаро ташкилотлар шуғулланади?
4. ЕИдаги миграция режимининг мазмуни ва манбалари ҳақида гапириб беринг.
5. ХМТнинг вазифалари ва асосий фаолият йўналишлари нималардан иборат?
6. Чет эллик ишчилар учун режим ўрнатишга нисбатан халқаро ҳуқуқнинг асосий талаби нимадан иборат?
7. Меҳнаткашлар миграциясига нисбатан давлатлар қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

Адабиётлар

1. Богуславский М.М. Международное частное право. -М., 1986.
2. Киселёв И.Я. Международный труд. -М., 1997.
3. Международные экономические отношения. Фолсом Р.Х., Гордон М.У., Спаногл Дж.А. Международные сделки. Краткий курс. Москва-Будапешт. 1996.
4. Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Т., ЖИДУ, 2002, 528-б.
5. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. -Т., "Адолат", 2001, 220-б.
6. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава "Международное экономическое право) – Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004г.
7. Шумилов В.М. Международное экономическое право. М., ДеКА, 1999.
8. Хакимов Р.Т. Узбекистан и ООН. 1995.

14. ДАВЛАТ ИЧКИ ХУҚУҚИ ВА МИЛЛИЙ МЕХНАТ БОЗОРЛАРИДАГИ ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР РЕЖИМИ

Давлат ўз чегарасини ўзининг фуқаролари ва чет элликлар кесиб ўтишининг муайян тартибини, чет элликларнинг ўз ҳудудида яшаш шартларини ва уларни ишга жойлаштириш қоидаларини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Лекин халқаро ҳуқуқ бу соҳада давлат ички ҳуқуқининг фақат муайян бир доирасинигина белгилаб қўяди. Айни ҳолда бу Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси (1948 й.) 13-моддасининг иккинчи бандида қайд этилган “Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, шу жумладан, ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эгадир”, шунингдек, ўз ҳудудида чет эл фуқароларига миллий режимдан айрим истиснолар билан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тамойилдир.

Иммиграцияга доир бошқа қонунлар, маъмурий ҳужжатлар мигрантлар ҳуқуқий ҳолатини белгилашда ҳал қилувчи ўрин тутади. Ушбу қонунлар мамлакатга кириш тартибини, виза бериш, яшаш ва ишлаш ҳуқуқини олиш тартибини, ишга жойлашиш тартиби ва шартларини, тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббий ва бошқа суғурта шартларини белгилайди. Меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун киришга рухсат (меҳнат шартномаси бўйича ишлашга виза) фақат иш берувчининг таклифномаси ёки маъмурий (иммиграцион) орган визаси қўйилган меҳнат шартномаси мавжуд бўлган ҳолдагина берилади. Иш берувчи чет эллик ишчи билан фақат шундай орган рухсатига кўра шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Мамлакатда яшаш ва ишлашга рухсат одатда 1 йилгача муддатга берилади, сўнгра иш берувчининг илтимосномасига кўра, у вақти-вақти билан узайтириб бори-

лади. Фақат 4-10 йил узлуксиз меҳнат қилганидан сўнг (Буюк Британияда бу муддат 4 йил, Германия, Францияда – 10 йил), мигрант мамлакатда номуайян муддат яшашга рухсат беришни сўрашга ҳақлидир. Бундай рухсат юқорида кўрсатилган барча чеклашларни бекор қилади ва мигрантга ўзи хоҳлаган ишга кириш ва уни ўзгартириш ҳуқуқини беради.

Иммиграция соҳасидаги сиёсат воситалари сифатида қабул қилувчи давлатлар миллий меҳнат бозорига меҳнат ресурслари кўшилишини тартибга солиш мақсадида иммиграцион квоталардан фойдаланади. Ушбу квоталарни беришда мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазият, мазкур ҳудуддаги чет эллик ишчи кучига бўлган талаб (шу жумладан, айрим тоифага мансуб шахслар бўйича) шунингдек, иммигрантларни танлашнинг муайян мезонлари (ёш цензидан тортиб то маълумот даражаси ва касбий тайёргарлигигача) ҳисобга олинади. 1995 йилда АҚШда квоталарнинг 71% и ушбу давлат фуқароларининг қариндошларига, 20%и АҚШ муҳтож бўлган мутахассисларга, 9%и эса иммигрантларнинг бошқа тоифаларига берилган.

Бунда давлатлар томонидан ишчи кучининг сифатига қўйиладиган талаблар ҳар хил бўлиши мумкин. Чунончи:

– соғлиққа қўйиладиган талаблар (Скандинавия мамлакатлари, АҚШ);

– касб ва малакага қўйиладиган талаблар (масалан, дастурчи импортчи мамлакатнинг компьютер тизимларини билиши ва бу ерда қабул қилинган дастурий воситалар билан ишлай олиши керак);

– психология ва шахсга тааллуқли талаблар (масалан, Жанубий Африка Республикасида мамлакат фуқаролигини олишга даъвогар мулойим табиатли шахс бўлиши керак; АҚШда тоталитар руҳдаги ҳар қандай партия

вакилларининг мамлакатга кириши тақиқланади).

Ишчи кучини экспорт қилувчи давлатлар ўз миграцион сиёсатида мамлакатнинг ва миллий иқтисодиётнинг манфаатларини ҳисобга олади. Шундан келиб чиқиб, улар ишчи кучи экспортини чеклаши ёки рағбатлантириши мумкин. Ишчи кучи экспортини тартибга солиш чора-тадбирларига юқори малакали мутахассисларнинг мамлакатдан чиқишини чеклаш ёки меҳнаткаш мигрантларнинг валюта маблағларини жалб қилиш, мигрантларнинг қайтиши ва мослашиши учун қулай шартшароитлар яратиш мисол бўлади.

Давлатлар фуқароларни чет элда ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган корхоналар фаолиятини лицензиялаш тартибини жорий этади. Миграция жараёнлари устидан давлат назоратини олиб бориш учун махсус давлат органлари тузилади. Экспортчи мамлакатнинг чет элдаги консуллик муассасалари меҳнаткаш мигрантларга нисбатан назорат ва ҳимоя функцияларини бажаришлари лозим.

Меҳнаткаш мигрантларнинг ўз қонунчилиги амал қиладиган ҳудудни тарқатиши давлат чет элда ишлаётган ўз фуқаролари тақдири учун жавобгарликни ўзидан бутунлай соқит этади, деган маънони англатмайди. Бир қанча мамлакатларда (Испания, Италия, Португалия) бу масала конституциявий даражага кўтарилган. Масалан, Испания Конституциясининг 42-моддасида қуйидаги қоида назарда тутилган: “Давлат чет элда ишлаётган испан меҳнаткашларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини кўриқлаш тўғрисида алоҳида гамхўрлик қилади ва уларнинг қайтишига қаратилган сиёсатни олиб боради”. Италия Конституциясида давлатнинг чет элдаги италянлар меҳнатини муҳофаза қилиши қайд этил-

ган (35-модда). Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

ХМТнинг 86-сон тавсияларига кўра, давлатларнинг икки тарафлама шартномаларида мигрантларнинг меҳнат шартномалари намунавий шаклларга асосланиши назарда тутилган. Намунавий меҳнат шартномасига қўйидаги маълумот ва нормаларни киритиш таклиф қилинади: мигрантнинг исми, фамилияси, туғилган жойи ва санаси, оилавий ҳолати, фуқаролиги, яшаётган жойи; ишининг мазмуни ва уни бажараётган жой; касб-ҳунарининг тоифаси ва меҳнат функциялари; нормал, иш вақтидан ташқари ва тунги соатларда, байрам кунлари ва меҳнат таътили кунларида ишлаганлик учун меҳнат ҳақи миқдори; иш ҳақи, мукофот, устама ва нафақалар тўлаш тартиби; иш ҳақидан чегирмалар шартлари ва миқдори; шартноманинг амал қилиш муддати, уни бекор қилиш, узайтириш шартлари; шартномани муддатидан илгари бекор қилиш учун асослар; иммиграция мамлакати ҳудудига кириш шартлари ва унда яшаш муддати; мигрант ва унинг оила аъзолари йўлқира харажатларини қоплаш тартиби; мигрант ва унинг оила аъзолари ўз ватанига қайтганидан сўнг вужудга келиши мумкин бўлган харажатларни қоплаш тартиби; меҳнат, ҳаёт таъминоти шароитлари; низоларни тартибга солиш ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиб-таомиллари. Алоҳида таъкидлаш жоизки, шартномани иммигрант тушунадиган тилга таржима қилиш ва унга шартноманинг бир нусхасини топшириш тавсия этилади.

Чет элликлар билан меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда кўпинча қонунлар тўқнашуви рўй беради, яъни икки ёки бир неча давлатнинг қонунлари

айни бир муносабатни тартибга солишга даъвогар бўлади. Бу тўқнашув коллизия қоидалар ёрдамида ҳал қилинади; коллизия норма баҳсли масалани ҳал қилмайди, балки муайян миллий қонунчиликнинг моддий нормаларига ҳавола этади. Давлатларнинг ички ҳуқуқий тизимларида бунинг учун қуйидаги коллизия тамойиллардан фойдаланилади:

1) қўлланиладиган ҳуқуқ тарафлар меҳнат шартномасида қайд этилади (“келишув бўйича қонун” тамойили) ва давлатлар буни тан олади;

2) меҳнаткаш мигрант яшаб турган ва унинг корхонаси жойлашган давлатнинг қонунчилиги қўлланиладиган ҳуқуқ ҳисобланади (“иш жойи қонуни” - *lex loci laboris* тамойили);

3) ишчини меҳнат топширигини бажариш учун чет элга юборган корхона жойлашган давлатнинг миллий қонунчилиги қўлланиладиган ҳуқуқ ҳисобланади (“юборган корхона мамлакатининг қонуни” - *lex loci delegationis* тамойили);

4) агар ишчи доимий иш жойига эга бўлмаса, уни икки ёки ундан ортиқ мамлакатда бажараётган бўлса, иш берувчи жойлашган давлатнинг миллий қонунчилиги қўлланиладиган ҳуқуқ ҳисобланади (“иш берувчи мамлакатининг қонуни” тамойили);

5) халқаро транспорт алоқалари билан боғлиқ меҳнат муносабатларида транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган давлат қонунчилиги қўлланиладиган ҳуқуқ ҳисобланади (“транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилган жой қонуни”, “кема байроғи қонуни” тамойили).

Давлатларнинг ички ҳуқуқида шу коллизия тамойилларнинг бири ёки бир нечтаси мустаҳкамлаб қўйилади. Коллизия тамойилларнинг қўлланилишини унификация қилиш мақсадида халқаро конвенциялардан фойдаланилади. Лекин ҳозирги даврда халқаро меҳнат му-

носабатларида умумэътироф этилган коллизион тамойилларни ўзида мужассамлаштирган универсал шартномалар мавжуд эмас. 1979 йил Венгриянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунида меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатларда, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳудудда иш бажарилаётган давлатнинг қонуни қўлланиши кўрсатилган. Худди шу тамойил 1980 йили Европа (Рим) конвенциясида ЕИда шартнома мажбуриятларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуққа нисбатан назарда тутилган.

АҚШда “халқаро меҳнат ҳуқуқи” масалалари бир қанча қонунлар, чунончи, фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун, одилona меҳнат шароитлари тўғрисидаги қонун, ногиронлар тўғрисидаги қонун, кекса меҳнаткашлар камситилишини тақиқлаш тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. АҚШда ҳукм сурувчи доктринага асосан, бу қонунлар америкалик жисмоний ва (ёки) юридик шахслар ҳамда чет элда яшайдиган АҚШ фуқаролари томонидан назорат қилинадиган чет эл корхоналари ўртасидаги меҳнат муносабатларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Муайян давлатда доимий ва вақтинчалик яшаб турган чет элликнинг мақомидаги фарқ нималарда намоён бўлади?
2. Давлатнинг миграцион сиёсати нимада акс этади?
3. Фуқароларни чет элда ишга жойлаштириш фаолиятини лицензиялашнинг мақсади нимада?
4. ХМТ 86-сон тавсияларининг мазмуни нималардан иборат?
5. Меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш со-

ҳаси халқаро ҳуқуқ ва давлатнинг ички ҳуқуқи ўрта-сида қандай тақсимланади?

6. АҚШда халқаро меҳнат ҳуқуқи масалалари қандай қонунлар билан тартибга солинади?

Адабиётлар

1. Богуславский М.М. Международное частное право. -М., 1986.
2. Киселёв И.Я. Международный труд. М., 1997.
3. Международные экономические отношения. Фолсом Р.Х., Гордон М.У., Спаногл Дж.А. Международные сделки. Краткий курс. Москва-Будапешт., 1996.
4. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528 б.
5. Саидов А.Ҳ. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. -Т., "Адолат", 2001, 220-б.
6. Рахимова М. Международное публичное право. (Глава Международное экономическое право) -Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004г.
7. Шумилов В.М. Международное экономическое право. -М., ДеКА, 1999.
8. Хакимов Р.Т. Узбекистан и ООН. 1995.

15. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Халқаро иқтисодий низоларни ҳал қилишнинг ўзига хос хусусияти халқаро иқтисодий муносабатларнинг ҳар хиллиги билан боғлиқ. Давлат ўртасидаги иқтисодий низолар, бошқа давлатлараро низолар каби, халқаро ҳуқуққа таянган ҳолда ҳал қилинади. Лекин халқаро иқтисодий ҳамкорлик асосан турли давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасида амалга оширилиши ту-

файли, улар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш халқаро иқтисодий тизимнинг барқарорлиги ва самарадорлиги учун жиддий аҳамиятга эгадир.

Турли мамлакатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасидаги низолар миллий юрисдикцияга тегишлидир. Улар давлатларнинг (умумий юрисдикция ёки арбитраж) судларида ёки Халқаро тижорат арбитражларида (ХТА) кўрилиши мумкин. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг иштирокчилари кўпинча ХТАни танлайди.

ХТА миллий ҳуқуққа кўра таъсис этилади ва ўз фаолиятида унинг қоидаларига амал қилади. “Халқаро” атамаси фақат кўриб чиқиладиган низоларнинг хусусиятига тегишли – жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги халқаро аҳамиятга молик хўжалик низоларидан иборат. Айрим ХТА халқаро иқтисодий низоларни кўриб чиқувчи обрўли марказларга айланган. Бундай ХТА қаторига Халқаро савдо палатасининг Арбитраж суди (Париж), Лондон халқаро ҳакамлик суди, Америка арбитраж уюшмаси (Нью-Йорк), Стокгольм савдо палатасининг Арбитраж институти киради.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг халқаро тижорат низоларини ҳал қилиш функциялари қуйидагилардан иборат: а) халқаро тижорат низоларини турли давлатларнинг арбитражларида кўриб чиқиш таомилида бирхилликни таъминлаш мақсадида арбитраж процессуал нормаларини унификация қилиш; б) бир давлат арбитражи қарорларининг бошқа давлатлар ҳудудида тан олинishi ва мажбурий тартибда ижро этилиши учун халқаро-ҳуқуқий замин яратиш; в) тижорат низоларини кўриб чиқиш бўйича ихтисослашган халқаро марказлар ташкил этиш.

БМТ доирасида тайёрланган бир қанча халқаро ҳужжатлар арбитраж процессуал нормаларини унификация

қилиш мақсадларига хизмат қилади. БМТ Иқтисодий комиссияси ҳомийлигида Европа учун 1961 йилда Женевада Ташқи савдо арбитражи тўғрисидаги Европа конвенцияси тайёрланди ва қабул қилинди. Ушбу конвенцияда арбитражни таркиб топтириш, ишларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш қоидалари белгиланган. БМТнинг Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссияси (ЮНСИТРАЛ) тайёрлаган Халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги намунавий қонун 1985 йили БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан қабул қилинди ва давлатларга миллий қонун модели сифатида тавсия этилди. БМТ доирасида ишлаб чиқилган арбитраж регламентлари амалиётда кенг қўлланади.

Тарафлардан бири чет эл арбитражи қарорини бажаришдан бўйин товлаган ҳолда қарорни ижро этишга мажбурлаш муаммоси энг муҳим ва мураккаб муаммолардан биридир. Мазкур муаммо халқаро иқтисодий ҳуқуқ ёрдамида ҳал қилинади. 1956 йилда БМТнинг Нью-Йоркдаги конференциясида Чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди. Бу Конвенцияга 102 давлат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам қўшилган. Конвенция давлатларга чет давлатлар ҳудудида қабул қилинган арбитраж қарорларини ўз арбитражларининг қарорлари каби тан олиш ва ижро этиш мажбуриятини юклайди.

1992 йилда МДХ доирасида Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Битим имзоланди. У хўжалик низоларини, шу жумладан, давлат ва унинг органлари иштирокидаги низоларни нафақат арбитражда, балки судда ҳам кўриш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. Битимда арбитраж ва суд қарорларини ўзаро тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги нормалар, ижро этишни рад

этишни асослаш учун махсус рўйхат (7-9-моддалар) келтирилган.

Давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг учинчи йўналиши – халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида муҳим ўрин тутадиган хўжалик низоларининг муайян турларини ҳал қилиш учун ихтисослашган халқаро марказлар ташкил этиш. Масалан, 1965 йилда Давлатлар ва хорижий шахслар ўртасидаги инвестицион низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги Вашингтон конвенциясига асосан Инвестицион низоларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ таъсис этилди. Конвенция Тикланиш ва тараққиёт халқаро банки ҳомийлигида ишлаб чиқилган бўлиб, Марказ унинг ҳузурида иш олиб бормоқда. Конвенцияга юздан ортиқ давлат қўшилган.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Халқаро» низо тушунчасининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
2. Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг қандай воситаларини биласиз?
3. Халқаро ташкилотлар халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишда қандай ўрин тутеди?
4. Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилининг юридик табиати.

Адабиётлар

1. Богуславский М.М. Международное частное право. -М., 1986.
2. Киселёв И.Я. Международный труд. -М., 1997.
3. Международные экономические отношения. Фолсом Р.Х., Гордон М.У., Спаногл Дж.А. Международные сделки. Краткий курс. Москва-Будапешт. 1996.

4. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. -Т., ЖИДУ, 2002, 528-б.
5. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. Т., "Адолат", 2001, 220-б.
6. Раҳимова М. Международное публичное право. (Глава Международное экономическое право) – Т., Центр по Гуманитарному праву при ТДЮИ, 2004г.
7. Шумилов В.М. Международное экономическое право. М., ДеКА, 1999.
8. Хақимов Р.Т. Узбекистан и ООН. 1995.

¹ Международное право / Отв. ред. Ю.М.Колосов, В.И.Кузнецов. – М., 1994. – 410-б.

² Бу тенденция халқаро ҳуқуқда ўз аксини топган Масалан, 1961 й. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенциясида дипломатик вакилликнинг иқтисодий соҳасидаги муносабатларни ривожлантириш вазифаси мустаҳкамлаб қўйилган. Давлатнинг ўз фуқаролари ва юридик шахсларини дипломатик ҳимоя қилиш институти иқтисодий алоқалар нормаллашуви учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу институт ҳозирча кодекслаштирилмаган. Муайян шахс ва унинг давлати чет давлатда ҳимоя (маъмурий ва суд тартибида ҳимоя)нинг барча маҳаллий воситаларидан фойдаланган ва улар наф бермаган тақдирда, дипломатик ҳимоя амалиётида шаклланган умумий қоида сифатида қўлланади.

³ Альтшуллер А.Б. Международное валютное право. -М., 1984; International Law. UNESCO, 1991. Ch. 30.

Муаттара Рахимова

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ

(ўқув қўлланма)

Akademiya
Тошкент 2006

Муҳаррирлар Б.Умаров, М.Умирова
Мусаҳҳиҳ Т.Соатова
Рассом Р.Султонов
Техник муҳаррир Н.Қурбонова, К.Мирносирова
Нашр учун масъул Д. Қобулова

Теришга берилди 6.09.06. Босишга руҳсат этилди 11.09.06.
Бичими 84x1081/32. Офсет босма. Шартли босма табоғи 6,0.
Нашриёт ҳисоб табоғи 5,8.
Адади 500. Баҳоси шартнома асосида.

«Akadem-xizmat» босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45.